


O'ZBEKISTON




OVOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

2004-YIL 28-AVGUST SHANBA 104-105 (27.280) uzbovozi@sarkor.uz 1918-yil 21-iyundan chiqqa boshlagan.

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ЎН БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ



27 август кунин Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ўз ишини давом эттирди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқарди. Парламент сессиясининг иккинчи кунин «Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши бўлажак депутатлар ва сенаторларни ҳимоя қилишга қаратилганини таъкидлади. Депутатлар ва сенаторлар нафақат ўз сайловчилари

ушбу қонун лойиҳаси ҳақида ўз фикрларини билдирди. Давлатимиз раҳбари «Халқ депутатлари Маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишда қўриб чиқишдан бошланди. Уни парламентнинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов депутатлар эътиборига ҳавола қилди.



Ушбу ҳужжат муҳомаида Сурхондарё вилояти кўз касалликлари шифохонасининг бош шифокори Р.Муҳаммадиев, Тошкент шаҳридаги «Фармед» хусусий фирмаси бош директори Д.Тошмухамедова, Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси котиби Н.Камбаров, Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Хоразм вилояти бўлими раҳбари Г.Ибодуллоева сўзга чиқди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов



чиликка қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилиши кераклигини қайд этди. Олий Мажлис қонун лойи-



ҳасини биринчи ўқишда маълум қилди. Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонуннинг янги

тахрирдаги лойиҳасини депутатлар эътиборига ҳавола этди.

Мазкур қонун лойиҳаси муҳомаида Урганч давлат университети ректори А.Саъдуллаев, Қўқон шаҳридаги тиббиёт коллежи директори З.Охунова, Наманган вилояти Норин-Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг бўлим бошлиғи Х.Сайдуллаев, Ўзбекистон Бадий академияси раиси Т.Кузиев иштирок этди.

Парламент янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонунни қабул қилди.

Парламентнинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоева Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари номидан «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар

қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан маъруза қилди. Депутатлар ушбу ҳужжатни қабул қилди.

Олий Мажлис қатор халқаро шартномалар ва битимларни ратификация қилди, Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарорини тасдиқлади.

Депутатлар Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси Котибати раҳбари С.Умаровнинг фуқароларнинг парламентга муурожаатлари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Парламент А.Ишметовни Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди раиси, В.Бурхонжўаев, Р.Махмудова, А.Усмонови Олий суд судьялари этиб сайлади.

Шу билан иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси ниҳоясига етди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚўМИТА, МУДОҒАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲНИ МУҚОҒОТЛАШ ТўҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг мудо-
фаа қудратини янада юк-
салтириш, миллий хавф-
сизликни таъминлаш,
ёшларни ватанпарварлик
руҳида тарбиялаш, ҳуқуқ-
тартибот ва эл-юрт осойиш-
талигини мустаҳкамлаш
ишига қўшаётган катта ҳис-
саси, ижтимоий-сиёсий
ҳаётдаги самарали фаоли-
яти учун фахрий унвон бе-
рилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASIDA
ХИЗМАТ КўРСАТГАН
ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»

Жевнаренко Владимир
Николаевич — Ўзбекистон
Республикаси Миллий хавф-
сизлик хизмати ходими

Республикамиз қуролли
кучларининг жанговар ва
сиёсий тайёргарлигини
ошириш, давлатимиз ва
халқимизнинг осойиштали-
гини муҳофаза этишда мард-
лик ва фидойиллик намуна-
сини кўрсатганлиги, миллий
манфаатларимизни ҳимоя
қилишдаги жасорати, ҳуқуқ-
тартиботни мустаҳкамлаш
борасидаги катта хизматла-
ри учун куйидагилар муқо-
фотлансин:

«ЖАЛОЛИДИН
МАНГУБЕРДИ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Эргашев Исмоил — Ўзбе-

кистон Республикаси Мудо-
фаа вазирининг биринчи
ўринбосари — Қуролли Куч-
лар Бирлашган штаби бош-
лиғи

Собиров Алишер Жумаму-
ротович — Мудофаа вазири-
нинг ўринбосари — Жануби-
ғарбий махсус ҳарбий округ
қўшинлари қўмондони

Тоҳирий Муридхон Ваҳоб-
ович — Ўзбекистон Республи-
каси Миллий хавфсизлик хиз-
мати ходими

«ФИДОКОРОНА
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Неъматов Ҳамид Холиқо-
вич — Ўзбекистон Республи-
каси Бош прокурорининг
ўринбосари

Нажмиддин Зинабуди
Шамшиддинович — Чирчиқ
ойлий танк қўмондон-муҳан-
дислик билим юрти кафедре-
си бошлиягининг ўринбосари

II ДАРАЖАЛИ
«ШОН-ШАРАФ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Бобониев Махсетбой —
Қорақалпоғистон Республика-
си Ички ишлар вазири
Бердиев Қобул Раимович —
Тошкент Олий умумқўшин
қўмондонлик билим юртининг
бошлияғи

Жанобеов Мэлс Саъдул-
лаевич — Мудофаа вазири-
гининг отряд командири

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»
ОРДЕНИ БИЛАН

Қорабоев Баҳромжон Абду-
назарович — Тошкент вилоя-
ти Бекобод тумани суд ижро-
чилари бўлиминининг катта
суд ижроси

Рябов Сергей Борисович —
Ички ишлар вазириликни экс-
перт-криминалистика бўлими-
нинг катта эксперти

Йўлдошев Комилжон Исма-
туллаевич — Тошкент шаҳар
божхона бошқармаси бошлия-
гининг ўринбосари

«ДУСТИК»
ОРДЕНИ БИЛАН

Захаров Олег Игоревич —
Фавқулодда вазиятлар вазири-
лигининг тоғ қутқарув хизмати
бошлияғи

Комилова Ольга Владими-
ровна — Адлия вазириликнинг
катта маслаҳатчиси

Косьяненко Алексей Ивано-
вич — Жануби-ғарбий махсус
ҳарбий округ қўшинлари қўмон-
донининг биринчи ўринбосари

Моқеев Александр Михай-
лович — Чирчиқ олий танк
қўмондон-муҳандислик билим
юрти бошлиягининг биринчи
ўринбосари

Тўйлебоев Мансур Тулепо-
вич — Тошкент вилояти бож-
хона бошқармаси бошлияғининг
ўринбосари

Хайруддинов Ринат Вохи-
тович — Давлат солиқ қўмита-
сининг бошқарма бошлияғи

(Давоми 2-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АМУДАРЁ УЗРА БУЎЕД ЭТИЛГАН ҚўШМА АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙўЛ КўПРИГИ ҚУРИЛИШИДА ФАОЛ ҚАТНАШГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУҚОҒОТЛАШ ТўҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали
меҳнатлари билан мамла-
катимизнинг темир йўл со-
ҳасини ривожлантиришга
қўшган катта ҳиссаси, янги
йўл ва кўприклар қуришда
меҳнатсеварлик, фидойил-
лик намунасини кўрсатган
ҳамда ижтимоий ҳаёт-
даги фаол иштироки учун
куйидагиларга фахрий ун-
вонлар берилсин:

«ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASIDA
ХИЗМАТ КўРСАТГАН
КУРУВЧИ»

Абдуллаев Ваҳоб Абду-
гаппорович — «Кўприкқури-
лиш» трести 67-кўприк
қуриш отрядининг монтажчи-
си

Холиқов Абдуқолиқ Сай-
дуллаевич — «Ўзбекистон

темир йўллари» давлат-акция-
дорлик компаниясининг 203-
тажриба йўл машина стан-
цияси бошлияғи

«ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASIDA
ХИЗМАТ КўРСАТГАН
ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

Энс Виктор Павлович —
«Боштранслоиҳа» транспорт
бўйича бош лойиҳа-қидирув
институтини очққ акциядорлик
жамиятининг бош муҳанди-
си — директор ўринбосари

Фидокорона меҳнатлари
билан мамлакатнинг иқти-
содий салоҳиятини оши-
ришга самарали ҳисса
қўшгани, темир йўл соҳа-
сига илғор технологиялар-
ни жорий этиш ва ўзлаш-
тиришда улкан ютуқларга
эришгани, миллатлараро

дўстлик ва ҳамжиҳатликни
мустаҳкамлаш ҳамда жа-
моат ишларидаги фаолли-
ги учун куйидагилар муқо-
фотлансин:

«ФИДОКОРОНА
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»
ОРДЕНИ БИЛАН

Авезов Узоқбой — «Ўзбе-
кистон темир йўллари» дав-
лат-акциядорлик компанияси
Кўнғирот электртаъминлаш
масофасининг катта электро-
механиги

Маткаримов Мадийр Сул-
тонович — «Туямўйингидро-
қурилиш» очққ акциядорлик
жамиятига қарашли 1-қўйма
механизациялашган жамлан-
ма шўба корхонасининг экс-
каватор машинисти

(Давоми 2-бетда.)



ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ҒАЛАБА!

ЮНОН-РУМ КУРАШИ БўЙИЧА
ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИСИ
АЛЕКСАНДР ДУҚУРИШВИЛИ (74 КГ.)
XXVIII ЁЗГИ ОЛИМПИАДАНИНГ ОЛТИН
МЕДАЛИГА САЗОВОР БўЛДИ



Афина олимпиадасининг сўнгги кунлари
спортчиларимиз учун бирмунча омадли
кечди. Аввалига кетма-кет икки боксчи-
миз Баҳодиржон Султонов (54 кг.) ҳамда
Ўткирбек Хайдаров (81 кг.)лар чорак фи-
нал баҳсларини муваффақиятли яқунлаб,
ярим финалда йўлланма олишганди.

24-26 август кунлари юнон-рум кураши
бўйича икки нафар вақилимиз — Александр
Дуктуришвили (74 кг.) ва Алексей Чегла-
ков (96 кг.)лар гиламга чиқдилар. Афсу-
ски, чорак финалда Алексей Чеглаковдан
омад юз ўтирди.

Тошкент вилояти вақили Александр Дук-
туришвили эса ўз вазн тоифасида барча
рақибларини енгиб, чин маънода маҳорат
кўрсатди. У дастлабки боқчиларда Укра-
ина, Озарбайжон, Болгария курашчилари-
ни мағлуб этиб, ярим финалга чиққанди.
Хал қилувчи баҳсга йўлланма берувчи уч-

рашувда ҳамюртимиз Россиянинг бирин-
чи рақамли юнон-рум курашчиси Варте-
рес Самургашевга рўбарў келди. Олим-
пия ўйинларига қадар 1999 йили Румини-
яда ёшлар ўртасида ўтган жаҳон чемпио-
натининг бронза медали совриндори, кат-
талар ўртасида Европа (2001 йил, Греция)
ва Осиё (2004 йил, Алмати) чемпиони
бўлган Дуктуришвили яна ўз муҳлислари-
ни хурсанд қилди — 3:2.

Спортчимиз Афина сафари олдидан
сўнгги машғулотларни пойтахтимиздаги
Республика Олимпия заҳиралари спорт
коллежиде ўтказган. Ушанда биз фурсат-
дан фойдаланиб, Александр билан суҳбат-
лашгандик. Ундан олимпиада арафасида-
ги кайфияти, руҳий ҳолати ҳақида сўра-
ганимизда, чехрасида табассум билан:
«Спортчиларнинг ҳам ўз иримлари бўла-
ди. Улар ўзларига омад келтирган мам-



лакат ва шаҳарларни ўзгача бир меҳр
билан севишди. Греция мен учун ҳам
шундай қадрли. Чунки, 2001 йили шу
мамлакатда Европа чемпионлигини
қўлга киритганман. Худо хоҳласа, бу гал
ҳам Афинадан яна голиб бўлиб қайта-
ман. Бунинг учун куч ва маҳоратим ета-
ди», деганди.

Барча юртдошларимиз сингари Дукту-
ришвилининг Олимпия ўйинларидаги ҳар
бир беллашувини ойнаи ҳаҳон орқали диқ-
қат-эътибор ва зўр ҳаяжон билан кузатиб
бордим. Марко Или-Ханжусела (Финляндия)
билан кечган финал беллашувини ни-
ҳоясига етиб, ҳақам голиб ҳамюртимиз,

ийғирма тўрт ёшли Александр Дуктуриш-
вилининг қўлини банд кўтарганида қалб-
биз бениҳоя шодлик ва ғурурга тўлди. Шу
кезларда унинг ғалабасидан қанчалик се-
винганлигини ҳозир оддий сўз билан
ифодалаб беришим мумкин. Орадан кўп
ўтмай, курашчимизнинг мураббийи Рустам
Қудратовнинг уйига кўнғирок қилдим.

Телефон гушагини Рустам акачинг ўзла-
ри кўтардилар. Бир-биримизни янги Олим-
пия чемпиони ва курашчимизнинг олам-
шумул ғалабаси билан самимий қўтладик.

8-6em

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
XALQ BANKI

TOSHKENT SHANAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKIDORGA HAMKORI!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Birja@mail.tps.uz

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

ALQOBANK —
aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57, Faks: 136-76-22
WWW.alokbank.uz E-mail: info@alokbank.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎН УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚЎМИТА, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Абдусам Насриддин Фуломович — Тошкент вилояти Зағнота тумани ички ишлар бўлими катта тезкор вакили
Абдулалев Сапарбой Кошкинбоевич — Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармаси «Тахтакўпир» божхона постининг катта инспектори
Абдуллаев Пахлавон Сайдуллаевич — Мудофаа вазириликнинг вазод старшинаси
Алимов Муротжон Пўлатович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Алимухамедов Фанижон Ойбекович — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасининг тезкор вакили
Оралов Азимжон Тошкентович — Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармасининг милиционерлари
Охунов Бахтиёр Хошимович — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи
Боқижонов Қобулжон Қодирович — Мудофаа вазириликнинг батальон командири
Давлатов Шавкат Қодирбергенович — Ички ишлар вазирилик махсус отряди катта тезкор вакили
Давлатов Уктам Одамбоевич — Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармасининг профилактика инспектори
Демидкин Сергей Николаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Дўстматов Рустамжон Холмирзаевич — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлимининг инспектори
Живницкий Виктор Иванович — Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазириликнинг ёнги хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи
Эгамбердиев Илҳом Бахтиёрвич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Исаев Рустамжон Тўхтаохунвич — Ички ишлар вазирилик махсус отряди катта тезкор вакили

Қаюмов Бахтиёр Собирович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Кучқоров Улугбек Кўчнбекович — Ички ишлар вазирилик ҳузуридаги алоҳида милиция батальони милиционерлари
Махлонов Ботир Фармонкулович — Ички ишлар вазирилик бошқарма бошлиғининг ўринбосари
Макаргов Вячеслав Юрьевич (мархум) — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Мамадиев Шамсуддин Маҳмуталиевич — Фарғона вилояти божхона бошқармасининг инспектори
Маматов Санжар Ғозиевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Матчонов Матназар Саъдуллаевич — Ички ишлар вазириликнинг катта тезкор вакили
Матқубов Шоназар — Хоразм вилояти ички ишлар бошқармасининг бўлим бошлиғи
Махсудов Зухриддин Зойлобидинович — Ички ишлар вазирилик Ички қўшинлар бош бошқармасининг мутахассиси
Махсудов Улугбек Ғофиржонович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармасининг бўлим бошлиғи
Мирзакаримов Анвар Абдукаримович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Мирзааҳмедов Музаффар Мираҳматович — Ички ишлар вазирилик отряди гуруҳ командири
Мўминов Абдурахим Абдурасулович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Нормирзаев Бекмирза Гулмираевич — Ички ишлар вазирилик отрядининг катта тезкор вакили
Норматов Иброҳим Муҳаевич (мархум) — Ички ишлар вазирилик ҳузуридаги алоҳида милиция батальони милиционерлари
Уриқўжаев Ориф Ҳамитқўжаевич — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси милиционерлари
Пирматов Зафар Отамуротович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

Ражабов Камолiddин Темирович — Ички ишлар вазирилик Қоровул қўшинлари бош бошқармасининг хайдовчиси
Расулов Мирсодиқ Салимбоевич — Мудофаа вазириликнинг бригада командири
Раҳмонов Юсуфжон Иброҳимович — Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Розиков Муҳиддин Нуриддинович — Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги бошқармасининг бўлим командири
Рузинов Равшанбек Раҳматалиевич — Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти курсанти
Рустамов Зокир Али Акбарович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Савчук Леонид Викторович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Саидов Толибжон Баходирович — Бухоро вилоят божхона бошқармаси «Олот» божхона постининг бошлиғи
Сирожиiddин Носир Бурхонич — Ички ишлар вазириликнинг тезкор вакили
Тошқўжаев Аваз Анварқўжаевич — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Тошқўжаев Ҳабибулла Баходирович — Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси милиционерлари
Уктамов Рустам Ҳусниiddинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Фозилбоев Абдуқом Абдужаллилович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Бирлашган штабининг бўлим бошлиғи
Ҳақимов Илҳом Махмудович (мархум) — Ички ишлар вазирилик ҳузуридаги алоҳида милиция батальони милиционерлари
Ҳамроев Илҳом Анварович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Ҳикматов Илҳом Махмудович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Қолдибоев Мирзохид Сайдахматович — Тошкент шаҳар Яққасарой тумани ички ишлар бошқармасининг профилактика инспектори

«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
Айрапетян Арамаис Ишханович — Ўзбекистон Республикаси транспорт прокуратураси катта терговчиси
Алиева Матлюба Ганиевна — Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг котибият бўлим бошлиғи
Оманов Искандар Равшанович — Мудофаа вазириликнинг батальон командири
Андреев Борис Юрьевич — Фавқулодда вазиетлар вазирилик бўлим бошлиғи
Аюпов Наил Рауфович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Бегалиев Садрiddин Рустамович — Қашқадарё вилояти божхона бошқармаси «Қарши» темир йўл бекати божхона пости бошлиғи
Бобожонов Махмуджон Дурдиевич — Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судининг судьяси
Бреднева Любовь Сергеевна — Адлия вазириликнинг бош масъулнинг бош масъулчиси
Ғозиев Ҳабибулла Паизович — Давлат солиқ қўмитасининг бўлим бошлиғи
Давлатов Илҳом Бобомуротович — Навоий шаҳар ички ишлар бошқармаси бўлими бошлиғи
Давронов Улугбек Мирзадавлатович — Мудофаа вазириликнинг батальон командири
Жамолова Жамила Қудратовна — Навоий вилояти давлат солиқ бошқармаси бўлими мутахассиси
Исаков Альберт Валентинович — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими
Исмоилов Фуломжон Исроилевич — Фавқулодда вазиетлар вазирилик «Қамчиқ» кидирув-қутқарув отрядининг гуруҳ командири
Қаландаров Бўрибой Ҳорозович — Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Қорабоев Абдулхамид Давроневич — Наманган шаҳар ҳўқуқий маслаҳатхонасининг адвокати
Каримов Аҳмадулла Иброҳимович — Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармасининг бўлим бошлиғи

Каримов Насриддин Кенжаевич — Сирдарё вилоят прокуратурасининг бўлим бошлиғи
Мисиров Шукрилло Турсунович — «Ватанпарвар» ташкилати Андижон авиация-спорт клубининг командири
Муҳамедов Алишер — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг бўлим бошлиғи
Муҳиддинов Равшан Абдулатифович — Жиззах вилоят прокурори
Раджабова Санобар Раҳмоновна — Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори
Раҳмонов Султонбой — Хоразм вилоят ҳўжалик судининг судьяси
Ризабоев Обид Норқўзиевич — Давлат божхона қўмитаси миллий кинология марказининг кинология бошлиғи
Сатторов Рустамжон Обиджонич — Мудофаа вазириликнинг дивизион секцияси командири
Сиддиқов Нафқ Сиддиқович — Ички ишлар вазириликнинг тезкор вакили
Тожиқулов Авазбек Маматиброҳимович — Мудофаа вазириликнинг вазод командири
Турсунов Бобожон Пиримович — Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари махсус марказининг бўлим бошлиғи
Усанов Шухрат Абдураштович — Андижон вилоят адлия бошқармасининг бош маслаҳатчиси
Усмонова Холда Мухсимовна — Давлат божхона қўмитасининг бўлим бошлиғи
Ҳақимова Холда Муратовна — Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 1-давлат нотариал идорасининг катта нотариуси
Ҳасанов Зокир Бўриевич — Мудофаа вазирилик ҳарбий қисмининг катта авиация механиги
Худойбердиев Зокир Сирлибоевич — Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокуратурасининг катта терговчиси
Худойбердиева Зулайҳо — Фуқаролик ишлари бўлими Бухоро вилоят судининг судьяси
Шодиқулов Саттор Тўрақулович — Мудофаа вазирилик ҳарбий округи сержантлар тайёрлаш мактабининг катта инструктори
Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2004 йил 24 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

АМУДАРЁ УЗРА БУЊЁД ЭТИЛГАН ҚЎШМА АВТОМОБИЛЬ ВА ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИГИ ҚУРИЛИШИДА ФАОЛ ҚАТНАШГАН ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

«МЕХНАТ ШУХРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Жевлаков Сергей Иванович — «Технолог» очик акциядорлик жамияти «Махсусасбобукуна» илмий-техник фирмасининг бош муҳандиси
Исмоилов Холмурот — «Тоштемирйўллойиха» очик акциядорлик жамияти бошқаруви раиси
Максудқўжаев Икром Ёдгорович — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси техника ва технология назорати бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Маликов Темур Қодирович — «Тўйтепа металл қурилмалари» очик акциядорлик жамиятининг электр-пайвандчиси
Маханов Алғуват — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси Урганч темир йўл масофаси бошлиғи
Мирилёсов Мирсодиқ Султонович — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси «Капитал» ва техникавий қайта куруланиш дирекцияси» унитар корхонаси бошлиғи
«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН
Жумабоев Бозорбой — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси «Узтемирйўл-маштаъмир» унитар корхонасининг асбобозлик-механика цехи тоқари
Сапов Норбой — Тўртқўл тумани йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси прораби
Семенов Геннадий Никифорович — «Боштранслоийиха» транспорт бўлими бош лойиха кидирув институти очик акциядорлик жамиятининг лойихалар бўлими бош муҳандиси
Халиллаев Бозорбой Ҳабибуллаевич — «Қўприққурилиш» трести 14-кўприк қуриш отрядининг пулат ва темир-бетон конструкциялари бўлими монтажчиси
Шуқуров Равшан Султонович — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси 214-машиналашган темир йўл станциясининг кран машинисти
Юсупова Людмила Михайловна — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси «Капитал қурилиш ва техникавий қайта куруланиш дирекцияси» унитар корхонасининг режаштириш бўлими бошлиғи
Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2004 йил 27 август

Фохриев Қаюм Қовиевич — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси 203-тажриба йўл машина станциясининг кран машинисти
«ШУХРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН
Бойко Александр Анатольевич — «Қўприққурилиш» трести 67-кўприк қуриш отрядининг хайдовчиси
Гареева Галина Юрьевна — «Қўприққурилиш» трести 13-кўприк қуриш отрядининг етакчи муҳандиси
Давлатов Геннадий Миндагалевич — «Қўприққурилиш» трести 13-кўприк қуриш отрядининг кран машинисти
Қурбонийёзов Ережелбой Реймонович — «Қўприққурилиш» трести 14-кўприк қуриш отрядининг хайдовчиси
Машарипов Иброҳим Жуманиёзович — «Хоразмавтойўл» йўллардан фойдаланиш бошқармасига қарашли автожамланма хайдовчиси
Нурғалиев Тоҳир Қаюмович — «Тўйтепа металл қурилмалари» очик акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш бўлими бошқаруви раиси ўринбосари
Собиров Бахтиёр Матқубович — «Тўйтепа металл қурилмалари» давлат ишлаб чиқариш корхонасининг Урганч бекатидаги ишлаб чиқариш корхонаси директори
Саидқўжаев Абдуралик Паттоҳович — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси «Узтемирйўл-маштаъмир» унитар корхонасининг асбобозлик-механика цехи тоқари
Сапов Норбой — Тўртқўл тумани йўл ҳўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси прораби
Семенов Геннадий Никифорович — «Боштранслоийиха» транспорт бўлими бош лойиха кидирув институти очик акциядорлик жамиятининг лойихалар бўлими бош муҳандиси
Халиллаев Бозорбой Ҳабибуллаевич — «Қўприққурилиш» трести 14-кўприк қуриш отрядининг пулат ва темир-бетон конструкциялари бўлими монтажчиси
Шуқуров Равшан Султонович — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси 214-машиналашган темир йўл станциясининг кран машинисти
Юсупова Людмила Михайловна — Ўзбекистон темир йўллари давлат-акциядорлик компанияси «Капитал қурилиш ва техникавий қайта куруланиш дирекцияси» унитар корхонасининг режаштириш бўлими бошлиғи
Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2004 йил 27 август

ФРЕДЕРИК СТАР:

«ЎЗБЕКИСТОН ЖИДДИЙ ҚАРАШЛАРГА ЭГА ЖИДДИЙ МАМЛАКАТ»

Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги кенг нишонланаётган шу кунларда халқаро илмий ва сиёсий доиралар вакиллари Ўзбекистонда мустақиллик йилларида эришилган натижаларга ўз баҳоларини бермоқда. Хусусан, «Жаҳон» ахборот агентлиги мўхбири Вашингтонда АҚШнинг етакчи илмий муассасаларидан бири ҳисобланган Жон Ҳопкинс университетини қўшидаги Марказий Осиё ва Кавказ институти директори, таниқли олим Фредерик Стар билан учрашиб, унинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.
— Жаноб Стар, шу кунларда Ўзбекистон халқи мамлакат мустақиллигининг ўн уч йиллигини кенг тантана қилмоқда. Албатта, бу тарих учун қисқа фурсат. Шунга қарамадан, амалга оширилган ишлар, эришилган натижаларга баҳо бериш имконияти мавжуд. Марказий Осиё бўйича йирик халқаро мутахассислардан бири сифатида Ўзбекистоннинг ўн уч йиллик тараққиёт йўлига қандай баҳо бериасиз?
— Хеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ўтган ўн уч йил давомида Ўзбекистон йирик ишларни амалга оширди. Бир қатор омиллари санаб ўтиш мумкин: Ўзбекистон мустақил давлат сифатида ўз чегаралари дахлсизлигини таъминлай олди. Бугун мамлакат сарҳадлари қучли ҳимояга эга. Мам-

лакатта йирик ҳажмдаги хорижий сармоялар кириб келди. Айни вақтда Ўзбекистон иқтисодийнинг турли жабҳаларида барқарор ўсиш кузатилмоқда. Утган давр мобайнида мамлакат минтақада ва халқаро майдонда ўзининг мустақкам ўрнига эга бўлди. Шу ўринда таъкидлаш кераки, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ялли тараққиётига хизмат қилувчи йирик гоғларнинг ташаббусқоридир. Фикр исеботи учун минтақа сиёсий ҳаётидаги сўнгги воқеалардан мисол келтирайман: шу йилнинг май ойида Остонада (Қозғистон) Марказий Осиё раҳбарларининг учрашувида Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Марказий Осиёда ягона бозор яратиш гоғсини илгари сурди. Бу бениҳоя ижобий ва муҳим қадамдир. Минтақа давлатлари, хорижий мамлакатлар, хусусан АҚШ бу гоғни амалга татиқ этишга жиддий эътибор қаратмоғи лозим, деб ўйлайман.
Ўзбекистон халқаро сиёсатининг барча масалаларида жиддий қарашларга, собит позицияга эга жиддий мамлакат эканини исботлади. Хусусан, халқаро терроризмга қарши курашда Ўзбекистоннинг принципиаллигини эътироф этиш керак.
— Терроризм мавзуси тилга олинган айни фурсат бажона бу муаммо борасида Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган саъй-ҳара-

катлар ҳақидаги фикрларингизни билмоқчи эдик?
— Ўзбекистон терроризм нима эканини фақат сўзда эмас, ҳаётий тақрибада яхши билади. Саволга лўнда жавоб шуки, Ўзбекистон терроризм муаммосига ўз вақтида жиддий ёндаша билди ва бу борада изчиллик билан зарур чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Бу нафақат мамлакат, балки минтақа хавфсизлиги учун ҳам катта аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон АҚШ учун мазкур муаммога қарши курашдаги ишончли ҳамқоридир.
Яқинда Тошкентда амалга оширилган террорчилик жиноятлари хусусида ҳам айрим фикрларни айтиб ўтсам.
Таъкидлаш кераки, бугунги дўнеда ҳамма нарса бир-бири билан боғланган. Тошкентдаги террорчилик ҳаракатларини амалга оширган қучлар билан Яқин Шарқ ва Жанубий Осиёдаги террорчи ташкилотлар ўртасида боғлиқлик мавжудлиги ҳам бор гап. Ташқаридан келаятган моддий ва гоғийи озуқа Марказий Осиёдаги террорчи гуруҳларни рағбатлантирмоқда. Фикримча, халқаро ҳамжамият Марказий Осиё хавфсизлигига дахл қилаётган «Хизб-уттаҳрир» ва шу каби қучлар таъдидини яхши аналган ҳолда мазкур муаммога етарлича аҳамият қаратмоғи лозим.
Умуман сўнгги вақтларда бир ҳолни кузатиш мумкинки, «Хизб-

ут-таҳрир»нинг тинчликсевар ҳаракат экани ҳақидаги иллюзиялар тобора қамайиб бораёпти. Бу ҳаракат бир касалликка ўхшайди. Унга қарши зарур чора-тадбирларни қўриш керак.
— Минтақа хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистоннинг роли яна нималарда кўринади?
— Ўзбекистоннинг минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари наркотик моддалар контрабандасига қарши курашда ҳам яққол кўзга ташланади.
Афғонистонда етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган наркотиклар нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё минтақаси, балки дўне мамлакатлари учун йирик муаммолардан биридир.
Ўзбекистон мазкур муаммони бартараф этишда бошқа мамлакатлар, барча тегишли халқаро ташкилотлар билан фаол ҳамкорлик қилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.
Марказий Осиёда наркотиклар муаммоси ҳақида гапирганда бир омилга эътибор қаратиш керак: «маҳсулот»нинг деярли юз фоизи Европа мамлакатларига келиб тушади. Яъни, маҳсулот учун истеъмол бозори бор. Шунинг учун Европа Иттифоқи мамлакатлари мазкур муаммони бартараф этишда масаланинг айни шу жиҳатини инобатга олиб, Марказий Осиёда наркотикларга қарши курашга кўпроқ эътибор қаратмоғи, керак бўлса

зарур молиявий ёрдам кўрсатмоғи лозим, деб ўйлайман.
— Жаноб Стар, биз сизни нафақат Марказий Осиё минтақаси бўйича мутахассис, балки Ўзбекистоннинг яқин дўсти сифатида ҳам яхши биламиз. Шу сабаб, Ўзбекистон ўз миллий байрамини нишонлаётган шу кунларда сиздан байрам тилакларини эшитишни истардик.
— Мен Ўзбекистон мустақиллигини чинакам бир инқилоб сифатида баҳолаган келамди. Ўтган ўн уч йил давомида Ўзбекистонда йирик ишлар амалга оширилди. Янги жамият пайдо бўлди, шаклланди, мамлакат Конституцияси яратилди, жамиятининг ҳўқуқий тизимлари ишлаб чиқилди... Тарихга назар ташланг, ўн уч йиллик мустақил тараққиёт мобайнида қим нимага эришган эди: собиқ Шўро давлати инқилобдан ўн уч йил кейин ҳамон фуқаролар уруши гирдобида эди, АҚШ эса мустақиллик эълон қилингандан ўн уч йил ўтгандан кейингина ўз конституциясига эга бўлганди.
Мен Ўзбекистон халқини миллий байрам — Мустақиллик кўни билан самимий қўтлайман. Уларга барқарор тараққиёт тилайман. Ўзбекистон бениҳоя истеъдодли, заковати ўткир ёшларга бой. Айни шу омилнинг ўзи унинг эртанги кўни хайрли бўлажигидан далолат беради.
Фарҳод АРЗИЕВ, «Жаҳон» АА

УНВОН МУБОРАК, ТЎЛҚИН АКА!

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депозит тепловоз машинисти Тўлқин Иброҳимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони билан тақдирланди.
26 август кўни эрта тонгдан «Ўзбекистон» локомотив депозит байрам тўсини олди. Тўлқин акани табриклашга у меҳнат қилаётган корхона ишчи хизматчилари шошилишди. Биринчилардан бўлиб уни компания раҳбарлари қўтлади. Депонинг мажлислар залида Президент Фармони ўқиб эшиттирилди.
— «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бу менинг камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳодир, — дейди Тўлқин Иброҳимов. — 31 йилдирки, шу кор-

хонада меҳнат қиламан. Мустақиллик байрами арафасида юксак унвон билан тақдирланишим, мени янада қизгин меҳнат жабҳалари сари илҳомлантиради. Ватан равнақи йўлида изланишдан чарчамайман. Эрта-индин байрам. Байрам-ни эса ишда фаоллик, қуввоқ қайфият билан қўтиб олиш мамлакатимиз ҳар бир фуқаросига хосдир.
...
Суратларда: «Ўзбекистон Қаҳрамони» Тўлқин Иброҳимов; ҳамкасблар табриклашмоқда.



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

ХДП ташкилотлари конференциялари

МАСЪУЛИЯТЛИ ДОВОНЛАР ДАВРИ

ҲАР БИР ПАРТИЯ АЪЗОСИДАН ФАОЛЛИКНИ ВА ЯНА БИР ҚАРРА ФАОЛЛИКНИ ТАЛАБ ҚИЛМОҚДА

Хоразм вилоят партия ташкилотининг III конференциясида ўтган даврдаги амалий ишлар юзасидан ҳисобот берган қозониш ва синов йиллари биринчи котиби Раимберган Сабуров маърузасида ҳамда шу фаолиятга баҳо берган музокарачиларнинг сўзларида ана шу руҳни туйиш мумкин эди.

Айтиш жоизки, партиянинг вилоят кенгаши ўзининг фидойи, ташаббускор, эл орасида обрў-эътибор қозонган фаоллари билан машхур. Улар орасида партия ишини ҳар қандай ишдан юқори қўядиган, чи накам садоқатли кишилар кўплаб топилади. Бошқарув органларида кўптартиявийлик шароитида сиёсий партияларга, партия ходимларига менсимасдан қараш каби ҳолатлар кузатилаётган ҳозирги даврда бундай кишиларни алоҳида улғулаш, қадрлаш зарур.

Конференция бошида қатнашчилар ўтган ҳисобот даврида оламдан ўтган ана шундай фидойи инсонлар — вилоят партия ташкилотига кўп йиллар етакчилик қилган Файрат Машарипов, машхур қишлоқ хўжалик раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Машариф Қувочков, уруш ва партия фахрийси Абдулла Болтаев каби собиқ партия дошларни ҳурмат билан хо-

тирлади. — Ўтган давр партияимиз учун чинқиш, кенг халқ оmmasининг ишонч-эътиборини қозониш ва синов йиллари бўлди, — деди биринчи котиб. — Ташкилотимиз сафи деярли 7000 нафар аъзога кўпайиб, эндиликда салкам 41000 нафарни ташкил қилади. Бироқ, сафимизнинг сон жиҳатдан ўзгариши айнаи дамда сифат ўзгариши дегани эмас. Урганч шаҳри, Урганч, Хонқа, Гурлан туманлари партия ташкилотларида ишлар намунали йўлга қўйилган бир пайтда айрим туман ташкилотларида ишда йўл қўйилган сустанчиликлар, тadbирларнинг номига ўтказилиши, партиядан кўрсатилиб сайланган депутатлар фаолияти назорати эътибордан четда қолгани, молиявий аҳолининг кўнгилдагидек эмаслигидан кўз юмиб бўлмайди. Хива, Бобот, Шовот, Янгирек туманлари партия ташкилотлари фаолиятидан қониқиб ҳосил қилиб бўлмайди.

Биринчи котиб ҳисоботда масаланинг ана шу томонларига жиҳдий эътибор қаратиш билан бирга партиядошларини бўлажак сайловлар жараёнида фаол, фидойи бўлишига чақирди.

Вилоятдан партия рўйхатида мамлакат парламентида икки нафар, халқ депутатла-

ри вилоят Кенгашига ўн етти, шаҳар ва туман Кенгашига 103 нафар депутат сайланган бўлиб, Олий Мажлис депутати И.Бойжонов, вилоят Кенгаши депутати Э.Каримов, З.Қўчқоров, Қ.Ҳолиқовларнинг фаолияти ҳар томонлама эътиборга лойиқ. Депутатлар фақат ўтган икки ярим йил ичида 1300 нафар фуқарони қабул қилиб, улар томонидан билдирилган миңдан ортиқ тақлиф-истақлар амалга оширилиши таъминлаганлар. Шу билан бирга сайловчиларидан узоқлашган, қабулхоналари номигагина ташкил қилинган депутатлар ҳам йўқ эмас.

Ҳисобот даврида янгидан партиёга қабул қилинганларнинг 2576 нафари хотин-қизлар, 4113 нафари ёшлардир. Вилоят партия кенгаши қошида иш бошлаган хотин-қизлар сектори ҳамда ёшлар маркази фаолияти диққатга молиқ. Бу ҳамкорлик, амалий фаолият сайловлар жараёнида ўз мевасини бериши ҳеч шубҳасиз.

Ҳисобот маърузаси ўз-ўзини танқид руҳида бўлиб, унда сўз фаолият кўрсатилган бошланғич партия ташкилотлари танқид қилинди, жойлардаги камчиликларни бартараф этиш юзасидан амалий тақлифлар ўртага ташланди.

Умуман ҳисобот юзасидан музокарада ҳам партиянинг жойлардаги обрў-ишончини янада ошириш борасида эътиборли тақлиф-истақлар билдирилди.

Комилжон ВАФОВЕ, «Маҳалла» жамғармаси Кўшкўпир тумани бўлими раиси:

— Туманимиздаги 56 та маҳалланинг кўпчилигида партияимиз аъзолари оқсоқликка сайланишган. Бу эса обрў-ишонч. Биз ҳаммаша халқнинг ишончини, меҳрини қозонишга интилишимиз керак. Бунинг учун ҳаммаша одамлар орасида бўлайлик. Уларнинг оғирини енгил қилишга ёндашимизни аямалиқ.

Вера ПАК, Хива шаҳридаги 20-сон «Меҳрибонлик уйи» директори, Ўзбекистон Қаҳрамони:

— Ҳисоботдан мен бир нарсани англадим. Ҳар бир партия аъзоси ўтган даврда партия учун, халқ учун нима иш қилди, деб ўзига-ўзи савол бериши керак. Партия иши, виждон иши — қалб амри.

Сўнгги пайтда мени бир масала қийнапти. Нега орамизда ёшлар кам? Бизлар ёшларни сафимизга кўпроқ жалб қилишимиз, уларни тўғри йўлга солиб, Ватан, халқ учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялашимиз керак.

Ленинза АСКАРОВА, партия вилоят кенгаши ҳузуридаги хотин-қизлар сектори бошлиғи:

— Тўй-маросимларни тартибга солиш тўғрисида Президентимиз Фармони чиққанди. Тўғри, ўз вақтида Фармон ижроси юзасидан кўп ишлар қилинди. Ҳозирчи? Тўй-маросимлар тағинда даб-дабали, кимўзарга айланмоқда. Бундай «ким ўзарчи»лар орасида партияимиз аъзолари ҳам борлиги сир эмас. Партия ташкилотлари, партия аъзолари жойларда ана шу масалага доимий эътибор қаратишлари лозим.

Алишер ЮСУПОВ, «Камолот» ижтимоий ёшлар ҳаракати Урганч шаҳар кенгаши раиси:

— Сиёсий майдонда голиб бўлиш ниятимиз бўлса, ҳаракатни бугундан бошлаш зарур. Партия сафида ёшлар кам, дейилди. Бу тўғри. Вилоят аҳолисининг олтимиш фоизини ёшлар ташкил қилади. Ёшларимиз эса қайси партия фаол, келажаги порлоқ, деб кутиб туришибди. Улар орасига кириш, ишончини қозониш керак.

Конференцияда ЎзХДП МК бош маслаҳатчиси С.Қурбонов сўзга чиқди.

Анқуманда партия Кенгашининг ҳисобот давридаги фаолияти қониқарли, деб топилди. Вилоят партия кенгаши ва вилоят партия ташкилоти тафтиш комиссиясининг янги таркиби, партия IV курултойига делегатлар сайланди.

Бўлиб ўтган вилоят партия кенгашининг маълумотида ташкилий масала кўрилди. Р.Сабуров вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Э.Отажонов иккинчи котиб этиб сайландилар.

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

Партия ташкилотлари ҳаётидан

ҲУШЁРЛИК, ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

«НАМАНГАНТЕКСТИЛ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХОДИМЛАРИ ДАВРАСИДА ЎТКАЗИЛГАН ШОУДА ОГОҲЛИК ДАЪВАТИ ФОЯТ ТАЪСИРЛИ ЖАРАНГЛАДИ

Кўптартиявийлик ғоявий, сиёсий-тарбиявий таъсирчанликни кучайтишга туртки берувчи жиҳати билан сиёсий институтлар фаолиятида катта ўрин тутди. Хусусан Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг оммавий тadbирларига ўзгача услубий ва мазмуний руҳ бағишляпти.

Вилоятдаги энг йирик саноат корхоналаридан бири ҳисобланган «Намангантекстиль» акциядорлик жамиятида ўтказилган «Терроризм-XXI аср вабоси» мавзусидаги шоу корхона ишчи-ёшларининг узоқ вақт ёнида сақланиши билан бирга уларни ҳар лаҳза огоҳ ва ҳушёр яшашга, ишлашга даъват қилиб турса ажаб эмас.

Фаол партиядошимиз Ҳабибullo Мухиддинов раҳбарлик

қилаётган корхонада 6000 дан зиёд ишчи меҳнат қилади, 600 нафардан ортиқ ЎзХДП аъзоси бор. Бошланғич партия ташкилоти котибаси Мадинахон Тўхтабоевнинг айтишича, сафдошларимизнинг аксарияти ёш йигит-қизлар.

— Бу ерда партия тузилмасининг нуфузи, таъсири жуда юқори — дейди Наманган шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Акмалхон Умаров. — Партия ташкилоти йиғилишларининг мунтазам ўтказилиши ва уларда ишчи-ходимлар ижтимоий ҳимояси доимий эътиборга олиб келинаётгани натижасида қатор шароитлар мавжудки, меҳнат интизоми, кўрсаткичлар ҳам шунга яраша.

Шоуда иштирок этиш учун ҳозир бўлган ЎзХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби

А.Рустамов, котиби С.Усмонов, Олий Мажлиснинг фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари О.Мусурмонова, вилоят партия кенгашининг биринчи котиби М.Абдуллаева, партиядошимиз, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими масъул котиби Зиёвуддин Мансуровлар цехлардаги иш жараёни билан танишдилар.

Шоу ўтказилган залга шоир, олим, ёзувчилар Ҳабиб Саъдулла, Аҳмаджон Луқмонов, Дадаҳон Нурий кириб келишганида давра янада жонланди. ЎзХДП раҳбари Аслидин Рустамов, Олий Мажлис депутати Ойниса Мусурмоновларнинг чиқишларидан сўнг, Ҳабиб Саъдулланинг ҳур Ватан мадҳидаги шеърлари янгради. Шоуда қатнашган 10 нафар фаол ёш йигит-қизга партияга аъзолик билетлари топширилди. 5 нафар илгор ёшларга Марказий Кенгашнинг Фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари тақдим этилди. Огоҳлик масъулияти тобора яқинлашаётган умумхалқ байрамимизнинг кўтаринки кайфияти уйғуллашган шоуда сўзга чиққанлар ҳушёрлик ва огоҳлик ҳар бир кўнгилда уйғонган сўнмас шижоат бўлиб қолши кераклигини таъкидладилар.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири



ҚИСКА САТРЛАРДА

● **Кўшкўпир туманидаги 39-ўрта мактабда** партия кенгаши ташаббуси билан ёшлар иштирокида «Соғ танда, соғлом ақл» мавзусида маданий-маърифий тadbир ўтказилди.

● **ХДП Хоразм вилоят кенгаши** ва «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими ташаббуси билан Урганч шаҳридаги Хотира майдонида умумхалқ хайрия ҳашари ташкил этилиб, кўпгина жойлар ободонлаштирилди.

● **ХДП Урганч туман кенгаши** туман халқ таълими бўлимида ёш педагог кадрларнинг ўрашувини ташкил қилди. Иштирокчилар ўқувчиларнинг билим олишида ва тарбиясида ёш педагогларнинг ўрни ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

● **Избоскан туман партия кенгаши** томонидан қатор ҳамоат ташкилотларининг бўлими ҳамкорлигида «Магир»

қишлоқ фуқаролар йиғинида «Огоҳликка даъват», «Бўлажак сайловларда сиёсий партияларнинг роли» мавзусида сиёсий, маданий-маърифий тadbирлар ўтказилди.

● **ХДП Чортоқ туман кенгаши** туман фермерлар уюшмаси ҳудудий партия ташкилотида жорий йилда бўлиб ўтadиган сайловларга тайёргарлик кўриш ҳамда жойларда мустақиллигимизнинг 13 йиллигига бағишланган тadbирларни ташкил қилишга бағишланган тadbир ўтказди.

● **Норин туман партия кенгаши** А.Шамсидинов номи ширкат хўжалиги бошланғич партия ташкилоти билан биргаликда «Ўз уйингни, ўз юртингни ўзинг асра» мавзусида «давра суҳбати» ташкил қилди.

● **Уйчи туман** қончилиги ҳамда ЎзХДП туман кенгаши ташаббуси билан БТП котиблари,

партия фаоллари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари иштирокида диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш, унинг олдини олишга қаратилган чора-тadbирлар, шунингдек, декабрь ойида ўтказилажак ялпи сайловларнинг мазмуний масалаларига бағишланган «давра суҳбати» бўлиб ўтди.

● **ЎзХДП Косонлиқ туман кенгаши** «Кўшкўпир» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилоти билан ҳамкорликда ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида футбол мусобақасини уюштирди. Унда 12 та маҳалладан ёшлар иштирок этидилар. Голибларга соврин ва эсдалик совғалари топширилди.

● **Чортоқ туман партия кенгаши** Богистон қишлоқ фуқаролар йиғинида огоҳлик мавзусига бағишланган маданий-маърифий тadbир ўтказди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

МУАММОЛАРГА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

АКС ХОЛДА ЭЛ-ЮРТ НАЗАРИДАН ҚОЛАМИЗ, СИЁСИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИМИЗНИ, МАВҚЕИМИЗНИ БОЙ БЕРИБ ҚЎЯМИЗ, — ДЕЙИЛДИ ЎЗБЕКISTON ХДП ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ТАШКИЛОТИ III КОНФЕРЕНЦИЯСИДА

Чиндан ҳам бугунгидай шиддаткор даврда, кўптартиявийлик шароитида фаол ҳаракатлар, амалий ишлар жуда ҳам зарур. Қаердаки, партия аъзолари ўртасида интизом ва талабчанлик, фаоллик ва ташаббускорлик ҳукмрон бўлса, ўша ерда партиянинг обрўи ҳам бўлади, сиёсий ишчилик ҳам шаклланади. Сустанчилик ва заифлик шароитида эса бу нарсалар ҳақида гапириш ҳам ортиқча. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, ҳисобот даврида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши фаолиятини қандай баҳолаш мумкин ва у қайси мезонларга ўлчовларга муносиб?

— Ютуқларимиздан кўра камчиликларимиз кўпроқдай туюлади, — деди вилоят партия кенгаши биринчи котиби Жўракул Исроилов. — Тўғри, ҳисобот даврида партия аъзолари сони 6325 кишига ўсди ва уларнинг сони 26 миң нафардан ошди. Шаҳар ва туман кенгашилари қошида «Ёшлар клублари» ташкил этилди. Мавжуд 70 та бошланғич ташкилотлар ҳузурида ҳам шундай клубларни тузишга киришилган. Партия кенгашларининг пленумлари, ижроия бюроси йиғилишлари мунтазам ўтказиб турилди. Уларда партия турмушига доир ўнлаб муҳим масалалар муҳокамага қўйилди. Партиявий интизом, қабул қилинган қарорларнинг ижроси, хотин-қизлар, ёшлар билан ишлаш, партиянинг ҳудуддаги мавқе-

ини мустаҳкамлаш, сайловларга тайёргарлик кўришга доир масалалар юзасидан муҳим аҳамиятга эга қарорлар қабул қилинди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайланган 12 нафар депутатдан 8 тасининг ҳисоботлари тингланди. Улар сайловчилар билан 45 марта оммавий ўрашувлар ўтказдилар. Беш йилда вилоят Кенгаши депутатлари томонидан 540 нафар фуқаро қабул қилинди, 400 та масала ижобий ечимини топди. Афсуски, партияимиз томонидан номзоди кўрсатилган вилоят Кенгаши депутатларидан баъзилари бирор марта ҳам сайловчилари олдига ҳисоб бермадилар. Қабул қилинган айрим қарорларнинг ижросини ҳам кўнгилдагидай бўлди, деб айта олмаيمиз. Партияга қабул қилиш масаласида ҳам камчиликларга йўл қўйдиқ. Сайловларга тайёргарлик борасидаги ишларимиз ҳам етарли эмас. Бу каби камчиликлар кўпроқ Арнасой, Жиззах, Дўстлик, Зафаробод туманлари партия ташкилотлари фаолиятига тааллуқлики, бу ҳол ушбу туманларда партия аъзолари, фаоллар, етакчиларнинг анчайин заиф фаолият кўрсатаётганидан дарак беради. Бинобарин, ушбу партия ташкилотларида ички интизомни мустаҳкамлаш, фаол партия аъзоларини кўпайтириш, ҳамжихатликни кучайтириш бўйича шилинч, амалий чоралар кўриш зарурга ўхшайди.

Ақром ИНОМОВ — «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири, ХДПдан вилоят Кенгашига сайланган депутатлар гуруҳи раҳбари:

— Вилоят Кенгаши сессияларига тайёргарлик кўриш, масалалар тайёрлаш, уларни муҳокама қилиш жараёнида партия манфаатларини ифодалашга, ёқлашга, ҳимоялашга ҳаракат қилаемиз. Гуруҳимизнинг асарияти аъзолари сайловчиларни асло эздан чикармайдилар, улар билан тез-тез учрашиб турадилар ва ҳар гал сессиядан сўнг унинг яқунлари тўғрисида сайловчиларига қабул қилиб беришга ҳам имкон топадилар. Лекин шундай депутатларимиз ҳам борки, улар ўзларини сайлаган сайловчиларини, сайлов округларини «унутиб» қўйишган. Масалан, вилоят Кенгаши депутати Ғайбулло Мустаюнов оилалик. У киши қайта-қайта тақлиф қилинишига қарамастан вилоят партия кенгаши пленумлари, ижроия бюроси йиғилишларига келишни, депутат сифатида ҳисоб беришни, сайловчилари билан учрашишни ўзига эп билмади. Бу каби ноҳуш ҳолатлар партия ташкилотимизни бўлажак депутатликка номзодларни танлашда янада талабчанроқ бўлишга ундайди, деган умиддаман.

Раъно ҲАМРОЕВА — Ғаллаорол туман партия кенгаши котиби:

— Ҳисобот даврида туман бўйича 636 кишини партия аъзолигига қабул қилдик. Ле-

кин шу даврда 11 киши партияимиз сафидан чиқиб учун ариза берди. Улардан бир нечтаси бошқа партияларга ўтиб ҳам кетди. Дабдурустдан, эътиқо-дида қатъий турмаган бундай инсонларга нима дейишга ҳам ҳайронсан. Албатта, қайси партияга кириш ҳар кимнинг ўзи иши. Аммо, бугун бунисига, эртага бошқасига, индигина янғисига оғиб кетаверишни, холисонило айтадганда, қандай оқлаш, қандай изохлаш мумкин? Майли-да, дейман ўзимча. Сафларимиз қанча соф, тоза бўлса, шунча яхши.

Сакина АЛЛАМЕДОВА — вилоят меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофазат қилиш бошқармаси бошлиғи:

— «Меҳр ва мурувват йили» дастури бўйича вилоятда кам таъминланган оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар, умуман, ижтимоий ҳимояга муҳтожлар учун 2,5 миллиард сўм маблағ ажратилапти. Шуларнинг ўз эгаларига етиб боришни таъминлаш юзасидан амалий ишлар бўлапти. Бу борада бизга партия аъзолари, фаоллари яқиндан ёрдам берапти. Шу билан бирга биз 800 нафар қариянинг вилоят ҳудудида жамоат транспортида бепул юришига имкон яратдик. Ўтган йили партияимизнинг бош наشري — «Ўзбекистон овози» газетасига тизимимизда 100 киши обун бўлган эди. Бу йил уларнинг сонини 300 тага етказиш ниятидамиз. Чунки, партиянинг кундалик иши, амалий ҳара-

катлари бизнинг ҳар кунги ишимиз, интилишимиз билан ҳамоҳанг.

Муборак АБДУРАЗЗОҚОВА — Бахмал туман агросаноат ходимлари касабга уюшма қўмитаси раиси, бошланғич партия ташкилоти котиби:

— Хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг фаоллигини ошириш масаласига алоҳида эътибор берилса мақсадга мувофиқ бўларди. Зеро, аёллар бор жойда, улар етакчи бўлган ташкилотда тартиб ҳам, интизом ҳам, меҳр-оқибат ҳам бўлади. Депутатликка номзодларни танлашда, қузатувчилар, тарғиботчилар қўйишида ҳам хотин-қизларга сўнасак ютказмайимиз. Яна сайловларга тайёргарлик, уни ўтказишда партия ташкилотлари жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органлари билан мунтазам ҳамкорликда иш олиб борсалар, нур устига аёло нур бўларди, деб ўйлайман.

Умуман олганда, конференцияда, унда сўзга чиққанларнинг маърузаларида одамлар манфаатларига, уларни безовта қилаётган кундалик ҳаётий муаммоларга бефарқ бўлмаслик, бу муаммоларни ҳал этиш, ечиш бўйича амалий ишлар қилиш лозимлиги тақрор ва тақрор тилга олинди. АКС холда сиёсий куч сифатида эл-юрт назаридан қилиш, ҳаётдаги ўрнинимиз, мавқеимизни бой бериб қўйиш ҳеч гап эмас, деган фикрга кўп бор уруғ берилди.

Конференцияда ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Собиржон Усмонов сўзга чиқди.

Шу кунги Ўзбекистон ХДП Жиззах вилоят кенгашининг ташкилий пленуми бўлди. Унда Жўракул Исроилов вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Алиқўлиб Усқанов иккинчи котиб этиб сайландилар.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

БАЙРАМГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Украина ва Ўзбекистон мустақиллигининг 13 йиллигига бағишланган концерт бўлиб ўтди. Украина санаткорлари концерти «Иван Купала кўни» ракс композицияси билан бошлади. Сўнг «Днепр ҳақида қўшиқ» Шухрат Бахромов ижросида тингланди. «Тошкент — дўстлик шаҳри» шеърининг ижро этилиши олиқлар билан қаршиланди. О.Мансуров ижросида «Ватангиним» қўшиғи билан фарғонача рақсининг хиром этилиши ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ришталари мустаҳкамланиб бораётганини намойён этди.

Тамила БЕКИРОВА

АҲМАД ФЕРМЕРНИНГ МУРУВВАТИ

Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалиги бошлиғи, Ўзбекистон Қаҳрамони Аҳмад Нарзуллаев кўп саҳийликлар қилиб, элнинг тилга тушган тadbиркорлардан бири ҳисобланади.

Аҳмад фермер яна одамлар тилида овоза бўлиб юрибди. Ишбилармон бу одам Амир Темур номи ширкат хўжалиги ҳудудида байрам арасида икки қаватли турар жой биносини қуриб битказди. Кам таъминланган, турар-жойга


муҳтож саккизта оила мустақиллик байрамидан эътиборан шу ерда яшай бошлайди.

Хуллас, доврўқли фермер яна бир қарра номига ва ишига, феълига яраша иш тутди — саккиз оилани уй билан таъминлади. Бу — валломат ва элпарвар одамнинг иши. Бошқача шарҳлаш эса бу ўринда ортиқчалик қилади.

Маҳмуд АБУЛҲАЙ, «Туркистон-пресс»

ТҮЙТЕПАДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллик байрами арасидада пойтахт вилоятининг Уртачирчиқ туманида 900 ўринли ижтимоий-иқтисодий касб-хўнаро коллежи фойдаланишга топширилди.



Мамлакатимизда амалга оширилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муҳим қирраларидан бири бу — касб-хўнаро таълими тизимини тубдан янгилаш, ривожланган мамлакатлар тажрибалари асосида мутахассислар тайёрлашдан иборатдир.

Ана шу мақсадда пойтахт вилоятининг Уртачирчиқ туманида фойдаланишга топширилган коллежда ёшлар компьютер ва офис жиҳозларини ўрнатиш ҳамда таъминлаш, компьютерларни дастурлаш, бухгалтерия ҳисоби, молия ва банк иши, халқаро бизнес йўналишлари бўйича таҳсил оладилар.

— Мазкур коллеж қурилишига марказлашган маблағлар ҳисобидан 2 миллиард 600 миллион сўм сарфланди, — дейди «Юксалиш» масъулияти чек-

ланган жамияти раҳбари Нурлан Жолдаров. — Бу билим масканида 100 дан зиёд ўқув хоналари мавжуд бўлиб, бу синф хоналарида 120 дан зиёд замонавий компьютерлар жойлаштирилган. Спорт зали ва майдонлари хорижий услубларда барпо қилинган.

Дарҳақиқат, ушбу коллежда, компьютер ва лингафон синфлари, спорт зали ва майдонча-

Соҳибжон САЛИМОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: 1. «Юксалиш» масъулияти чекланган жамият раҳбари Н.Жолдаров қурувчиларни яна бир ютуқ билан табрикламоқда; 2. Коллежнинг умумий кўриниши.



ХОРАЗМДА ИККИ ҚЎШМА КОРХОНА ИШГА ТУШДИ



УЛАРНИНГ ҲАР ИККИСИ ҲАМ ЎЗИМИЗНИНГ ХОМАШЁ —
ЎЗИМИЗНИНГ ПАХТАМИЗ ҲИСОБИГА ИШЛАЙДИ

Шовот тумани марказида иш бошлаган Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси — «ШОВОТТЕКС» трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Низом жамғармаси бир миллион тўрт юз қирқ уч минг АҚШ доллари миқдорига тенг. Унга дунёнинг ривожланган давлатлари — Германия ва Японияда ишлаб чиқарилган энг сунгги русумли усуналар ўрнатилди. Йилига 3 миллион 360 минг дона спорт кийимлари — футболкалар ва кўйлақлар тайёрлаш қувватига эга.

Корхона уч босқичда иш бошлайди. Ҳозир унинг ишга тушган биринчи босқичида юз нафар хотин-қиз муқим иш жойлари билан таъминланди. Тикувчилар шу ернинг ўзиде малака оширишдан ўтказилиб, ишга танлов асосида қабул қилинди. Зеро, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг саксон физи биринчи йилнинг ўзиде, тўқсон физи иккинчи йилда ва кейинчалик барчаси чет элга экспорт қилиниши кўзланган. Ахир маҳсулот сифати — ишлаб чиқарувчиларнинг малакаси ва маҳоратига боғлиқ-да...

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, шу йил охиригача корхона 735 минг



долларга тенг миқдорда маҳсулот ишлаб чиқаради. 2005 йилда бу кўрсаткич тўрт миллион долларга етди. Агар шу маҳсулотларнинг келгусида барчаси четга чиқарилишини инобатга олсак, туман иқтисодиёти яқин йиллар ичидаёқ кескин кўтарилиши, шубҳасиз.

«БОГОТТЕКСТИЛ» — Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонаси сунгги кезларда тайёрланган энг замонавий дастгоҳлар ва компьютерлаштирилган усуналар ўрнатилди. Айни пайтда «Асакабанк» дан ҳам муайян миқдорда қарз олинди.

Корхона йилига тўрт минг уч юз эллик тонна калава ип, 1550 тонна трикотаж маҳсулотлар, икки миллион етти юз минг погон метр супр газлама ишлаб чиқариш имконига эга. Кейинги йилдан бошлаб камида тўрт миллион АҚШ долларига тенг миқдорда тайёрланган маҳсулотлар хорижга чиқарилиши кўзда тутилган. Агар ҳозир туманда йилига етти миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари тайёрланаётган ва четга маҳсулот деярли экспорт қилинмаётганлигини эътиборга оладиган бўлсак, фақат биргина шу қўшма корхонанинг ўзи келгусида туман иқтисодиётига қанчалик ҳисса қўшиши ойдинлашади, қолади. Боз устига, корхонада ҳозирча икки юз киши янги иш жойлари билан ҳам таъминланди.

Байрам арафасида иш бошлаган қўшма корхоналарнинг тантанали очилиши маросимида Республика Бош вазирининг ўринбосари М.Усмонов қатнашди.

Ўзбекистон овози
мухбири

Суратларда: «Боготтекстил» ҳамда «Шовоттекстил» қўшма корхоналари фаолиятдан лавҳалар.

Менинг ҳамон эсимда: Ўзбекистон ўз давлат мустақиллигини эълон қилганидан кейин мамлакатимиз раҳбари Ислам Каримов муҳбирлар билан ўтказган суҳбатиде олдимизда турган ўта долзарб вазифаларга тўхталиб, энди кенг дунёга даллалар ва воситачиларсиз чиқиш, халқаро муносабатлар ўрнатиш ҳамда миллатлар ҳамдўстлигига қўшилиш эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Шубҳасиз, кенг дунёга чиқиш ўша пайтдаги вазият нуқтаи назаридан энг мустақил мамлакат учун анча мураккаб жараён эди. Тўғриси, ўшанда бизга ҳавас қилувчилар билан бирга, ҳасад қилувчилар ҳамда ҳалақит берувчилар ҳам бор эди. Ёш давлат ташқи сиёсатда қандай йўл тутди, мустақил қадам ташлайдими ёки бировнинг орақасидан эргашадими? Бу саволга аниқ жавоб олиш учун Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатда кўйган ҳар бир қадамини кузатиб, таҳлил қилиб боришди.

Ўзбек дипломатияси ана шундай вазиятда иш бошлади. Президентимиз унинг тамал тошини қўйди. Ташқи дунё билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш учун саъй-ҳаракатлар бошланиб кетди. Бизнинг турли даражадаги дипломатик вакилларимиз ташқи дунёга чиқиб, алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш йўллари ахтарилиди. Ўз навбатида хорижий давлатларнинг турли даражадаги расмий ҳамда норасмий вакиллари юртимизга ташриф буюриб, бизга қизиқиш билдира бошлади. Сайёҳлар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, сиёсатчилар, журналистлар, турли ниятли меҳмонлар ва бошқа қизиқувчилар оқими кучайди. Улар бизни синашди, биз эса уларнинг кўнглига қўл солиб кўрдик, ниятларини билишга интилдик. Шу тариқа биз бир-биримизни кашф қилдик. Бундай кашфиёт расмий дипломатик мулоқотларни кучайтиришга олиб келди. Натيجида жаҳоннинг Ўзбекистонга, Ўзбекистоннинг эса

КЕНГ ДУНЁГА ДАЛЛОЛЛАРСИЗ ЧИҚДИК

Истиқлол ва ташқи сиёсат

жаҳонга қизиқиши ортиб борди.

Дипломатиянинг ўз қонунлари бор. Уларга амал қилсангиз, мақсадга эришиш йўлида учрайдиган тўсиқларни олиб ташлашда қийналмайсиз: Бизни жаҳон таниши ва тан олиши учун, аввало, илгари ўзимиз билан бир иттифоқ таркибиде бўлган, эндиликда ўз мустақилликларини эълон қилган ёш давлатлар билан ўз муносабатларимизни ойдинлаштириб олишимиз зарур эди. Биринчи навбатда Ўзбекистон расмий делегациясининг Россия Федерацияси расмий делегацияси билан музокаралари бўлиб ўтди. Натияжада икки давлат ўртасида бир-бирларининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳурмат қилиш асосида ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида ўзаро ахдлашувга эришилди. Шунингдек, Ўзбекистон бошқа бир қатор ёш мустақил давлатлар билан ҳам ўз муносабатларини ойдинлаштириб олди. Ёнг муҳими, биз ташқи дунёга даллолларсиз ҳамда воситачиларсиз чиқишга ҳаракат қила бошладик. Бу ҳаракат тез орада кутилган самарани берди. Бизни биринчи Туркия, иккинчи АҚШ, сўнгра бир ҳафта-ўн кун ўтиб дунёнинг ўттиздан ортиқ мамлакатлари таниди. Бу ўзбек дипломатиясининг, ёш Ўзбекистон давлатининг, овоз ўзбек халқининг катта ютуғи эди.

Албатта, жаҳондаги кўплай йирик давлатларнинг бизни таниши бир неча ой давом этган дарди изтиробларимизга малҳам бўлди. Айниқса, сентябрь-декабрь ойлари ўрталари биз учун жуда оғир бўлди. Қани, қайси давлатлар бизни танир экан, деб ораниб кўтдик. 1992 йилнинг январь ойидан, яъни мустақил давлатимизнинг халқ сайлаган биринчи Пре-

зиденти ўз вазифасини бажаришга киришганидан бошлаб бизни расмий равишда таниш жараёни тезлашиб кетди.

Энди бизни жаҳон ҳамжамияти аъзолигига тавсия этувчи қарор қабул қилди. Шундан кейинроқ Ўзбекистон БМТ Низомини бажаришга киришар экан, ташқи сиёсатда ўзининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиққанлигини маълум қилди. Орадан бир ой ўтиб, Ўзбекистон Президенти ер юзиде тинч одилона халқаро тартибни барпо этиш мажбуриятини олган давлатлар ҳамдўстлигига қўшилиш учун Хельсинкига жўнаб кетди ва у ерда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Якуновчи актига имзо чекди. Ислам Каримов ана шу ҳужжатни имзолаш маросимида сўзлаган халқаро ақида ва Париж Хартиясида лўнда ифода қилинган қоидаларга ва халқаро ҳуқуқ нормаларига содиқлигини эълон қилди. Орадан кўп вақт ўтмай, яъни 2 март куни Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясининг 46-сессияси япни мажлисида яқдиллик билан маъқуллаш асосида овозга қўйилмаган ҳолда БМТ аъзолигига қабул қилинди.

Биз дунё сиёсат оламига кирдик. Ташқи дунёга расмий давлат ташрифлари ҳамда жиддий дипломатик мулоқотлар бошланди. Ҳар қандай давлат учун дунё сиёсат олами катта синов майдони. Бошқа синовлар

ҳам кўп бўлди. Биз ҳаммасидан муваффақиятли ўтиб, ташқи сиёсатда ўзимиз танлаган мустақил йўлдан борайтганлигимизни амалда кўрсатдик. Яъни, жаҳон сиёсат оламида ўз ўрнини, ўз сўзимиз, ўз овозимиз борлигини намойён этдик.

Ҳўш, бу нималарда, қандай хатти-ҳаракатларда кўринди?! Аввало, жаҳон кун тартибиде турган масалаларни муҳокама қилишда ўз кўз карашларимиз, ўз тақлифларимиз, ўз ёндашувларимиз билан қатнаша бошладик. Ҳатто йирик халқаро анжуманларда Ўзбекистон ташаббуслар билан чиқди. Жумладан, Бош Ассамблеянинг БМТ юбилейига бағишланган йилгилишини эслайлик. Унда Ўзбекистон раҳбари Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг сафини кенгайтириш, хусусан, унинг сафига Япония ва Германия сингари тараққий этган давлатларни киритиш, БМТ қабул қилган қарорларнинг ижросини таъминлашда Бош котиб ваколатини кучайтириш, шунингдек зиддиятларнинг, турли низолар ҳамда можароларнинг олдини олиш ва уларни бартаф этиш манфаатларини кўзлаб, БМТнинг халқаро минтақавий ташкилотлар билан ўзаро муносабатини мустаҳкамлаш ташаббуслари билан чиқди.

Бу ташаббуслар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Агар БМТ Бош котиби ваколатларини кучайтириши оладиган бўлсак, бу жуда долзарб масала. Ахир БМТнинг қанчадан-қанча қарорлари бажарилмай қолиб кетаяпти. Уларнинг ижросини таъминлаш учун Бош котибга етарли ваколат берилса, БМТнинг обрўси яна ҳам ошган бўларди. Еки Германия билан Япониянинг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзолигига муносаблти


тўғрисидаги тақлифни олайлик. Бу давлатлар иқтисодий куч-қудратлари ҳамда халқнинг турмуши фаровонлиги билангина эмас, балки жаҳон кун тартибиде турган мураккаб муаммоларни ҳал этишдаги фаоллиги билан ҳам шундай ишонч ҳамда нуфўзга муносабдилар.

Ҳабарингиз бор, Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорликни таъминлаш, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятини жонлантириш, МОҲ ишида қатнашишга Россияни тақлиф қилиш, халқаро терроризмга қарши кураш борасида Ўзбекистон бир қанча амалий тақлифлар киритди. Мамлакатимиз БМТ, МДҲ, НАТО, Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Бугун қаерда, қандай масала қўрилмасин, бизнинг ҳам сўзимиз, тақлифларимизни эшитишяпти, тақлифларимизни ўрганишяпти, ташаббусларимизни қўллаб-қувватлашяпти.

Биз кенг дунёга даллолларсиз чиқдик. Ўз журъатимиз, ақл-идроқимиз, мустақил қадамимиз, обрў-эътиборимиз билан чиқдик. Мустақил қадамимиз кўтлук бўлди. Бугун бу дунёда бизнинг ўз стратегик шерикларимиз, ишончли ҳамкорларимиз, буюк қўшилларимиз, яқин дўстларимиз, миллатдош ва диндош қардошларимиз, маслақдош биродарларимиз бор. Бу қатъиятликимиз, изчиллигимиз, бағрикенглигимиз, мустақиллигимиз меvasи.

Дунё сиёсат оламида борлигимиз келажакимиз буюклигидан далолатдир.

Иброҳим НОРМАТОВ.



АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТА БАНК»

Ўзбекистон халқини, ўз акциядорлари
ва миждозларини, барча ҳамкасбларини
Республикамиз Мустақиллигининг

13 ЙИЛЛИК

байрами билан сидқидилдан
туборакбод этади!

Сиз азизларга соғлиқ, оилавий
бахт ҳамда мамлакатимиз
гуллаб-яшнаши учун олиб
борилаётган ислохотларни амалга
оширишда омадлар тилаймиз!

«Пахта Банк» —
Фаровонлигинингиз
капитидир!

«Пахта Банк» Кенгаши ва Бошқаруви



31 avgust — Qatag'on qurbonlarini ёд этиш куну

XX аснинг 30-йилларида советларнинг қатагон сиёсати республикамиздаги зиёлилар, давлат ва жамоат арбоблари, хусусий мулкдор, деҳқону ишчиларни ҳам ўз қомига тарта бошлади. Улар орасида Файзулла Хўжаев, Абдулла Раҳимов каби йирик давлат арбоблари, Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўпон сингари машҳур ёзувчи ва олимлар билан бирга Собира Холдорова, Марям Султонмуродова, Тожиҳон Шодиева каби таниқли журналист ва жамоатчи ўзбек аёллари ҳам бор эди. Улардан бири Самарқанд вилояти Митан тумани (собик) фаол раҳбарларидан Раҳимахон Исломовадир. Ул зот бугун ҳаёт бўлганида 85 ёшга тўларди...

нинг ягона таянчи, боқувчиси бўлган Раҳимадан айрилиб, фарёд чекиб қолавердилар. Уларнинг ҳолига, оху зорига ҳеч ким эътибор бермайди. Аксинча унинг яқин қариндош-уруғлари, ака-укалари турли сарсон-саргардонликка, азоб-уқубатларга дучор қилинади. Уни ўша кунлик Самарқанд қамоқхонасига олиб кетишади. Раҳима тутқинликда тўндирган анкетасида 67 ёшли онаси Ойтуранинг Алижон қишлоғида яшаётгани, укалари Бозор 16 ёшда бўлиб, «Ижтимоий» колхозда колхозчи эканлиги, 14 ёшли Нормурод деган укаси, 10 ёшлиқ Фозила исмли синглиси борлиги ҳам қайд қилинади (Ар-

бундай ишга жалб қилган эмас. Мен Митан туманида инқилобга қарши бундай ташкилотнинг мавжудлигини ҳам билмайман». (Мазкур архив, 11-бет).

Орадан 20 кундан кўпроқ вақт ўтгач, терговчилар унга қўшимча айбномани тиркашди: «1937 йил июнда Тожибоев уйдаги йиғилишда сизга чорвачилик ва пахтачиликка зарар етказиш ишлари олиб бориш топширилган эди».

Раҳима эса бу саволга шундай жавоб беради: «Мен 1937 йил февраль ойида Митан туманига ёшлар кўмитаси сиёсий ўқув ишлари бўлими

беради: «Мен Самарқанд қамоқхонасидаги мабуслар ичиде аввалги берган кўргазмаларингиздан воз кечинглар (ёки унган олманглар) деб ҳеч қандай ташвиқот олиб бормаганман...» (Мазкур архив, 56-бет).

Афсуски, бунга қарамасдан СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг 1938 йил 15 октябрдаги кўча сессиясининг Тошкентда бўлиб ўтган ёпиқ суд мажлисида унинг айблов иши кўрилиб, Раҳима Исломова асоссиз равишда 8 йил меҳнат қамоқ лагерига ҳукм этилади. 5 йил сайлаш ва сайлашни ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Бутун шахсий мол-мулки мусодара қилинади. Раҳима Исмолова жазо муддатини

бунга ҳайрон бўлиб қолдим. Чунки, бундай ташкилотнинг ўзи нима эканлигини билмас эдим. Шундан сўнг, у мени 1938 йил 28 февралдан 5 мартгача кеча-кундуз уқлатмади ва овқат бермай қийнади, калтаклаб таҳқирлади. Мен қийналиб кетгач, ўзимни ўлдирмоқчи ҳам бўлдим. Наҳот қидирсам ҳам наҳот топпамадим, охири ҳўсизланиб, ақлимни йўқотдим ва рус тилида ёзилган аллақандай бир қозоғча мажбуран қўл қўя бошладим...

1938 йил 10 октябрда Самарқанд қамоқхонасида, сўнг Тошкент ҳўсхонасида ётдим, Тошкент қамоқхонасида мени яна ҳам қаттиқ қийнай бошладилар. Бу ерда мени Ўзбе-

қамоқдаман. Мен Ўрта Осиёданман. Шимолнинг қаратон совуқлари соғлигимни йўқотди, ёш умрим ҳам эрксизликда ўтмоқда. Мен 18 та шикоят аризаси ёзган бўлсам-да, лекин ҳўзиргача унинг бирортасига ҳам жавоб ололганим йўқ.

Менинг ишимни қайта кўриб чиқиб, ҳақсиз ҳўкмни бекор қилишларингизни ва мени сургундан озод этишларингизни сўрайман. 17.V.41 йил.

Маҳбус Исмолова». (Мазкур архив, 84 ва орқа бет).

Шундан сўнг, яна қарийб бир ярим йил ўтгач, 1942 йил 7 сентябрда СССР Олий суди пленумининг 1942 йил 10 сентябрдаги «мафҳий» тамғаси остидаги қарориде Раҳима Исмолова-



Суратде: Раҳима Исмолова (1963 йил).

тирдилар. 1972 йилга келиб яна операция бўлдилар. 1983 йили 16 февралда оламдан ўтдилар».

Меҳнат фаҳрийси Иззат Бекмуродов ҳўжоя қиладиде:

— Бир кун нима бўлди, мен колхоз боғига бориб қолдим, опани супада китоб ўқийтган ҳолда кўриб мен Ўзбекистон зиёлиларининг бир неча сўз-сўзиде катнашиб қайтганимни, унда қатагон қилинган ёзувчи ва шоирларнинг ишини қайта кўриш масаласи кўтарилиганини айтдим. Шунда опа бирдан ҳўжонланиб, Усмон Носирнинг «Орак» деган шеърини ёздан шундай ақтирос билан айтдики, мен ҳайратдан қотиб қолиб, опадан «Бу шеърни қачон ёдлагансиз?» — деганимде «қамоқда, биз Усмон Носир билан бир қамоқхонада бўлганмиз. Унинг бу шеърини қамоқхонадагилар ёд айтишиб, ўзларига таскин топардилар», деди опа кўзларига ёш олиб.

Энди, у кунлар қайтмас бўлиб, орқада қолди. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 13 йиллигини нишонламоқда. Бугун у кўп йиллар раҳбарлик қилган собиқ Крупская номили жамоа ҳўжалиги унинг номи билан юритилмоқда. Каттақўрган шаҳридаги қишлоғидаги ўзи ўқиган мактабга ҳам Раҳима Исмолова номи берилган. Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг 1992 йили опанинг хотира кечаси ўтказилиб, жамоа ҳўжалигинде Раҳима Исмолованинг бюсти ўрнатилди, 1999 йил каттақўрганлик Яздон Худойқўловнинг Раҳима Исмолованинг ҳаёт ва меҳнат фаолиятига оид «Афсонавий аёл» номили ҳўжатли қиссаси нашр этилди. Тошкентнинг Юнусобод мавзесида очилган Қатагон қурбонлари музейида ҳам унинг хотирасига алоҳида ўрин ажратилган.

Раҳима опа Исмолова ҳақидаги хотираларини ёзиб олдиқ. Нормурод Жабриевнинг айтишига қараганда, гарчи унинг опани Раҳима Исмоловани озод этиш ҳақида қарор 1942 йил 10 сентябрда чиққан бўлса ҳам, у яна бир мунча вақт ўша узоқ шимол меҳнат лагерларида сақланган. У Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси Йўлдош Оқунбобоевга яна ариза бера бошлаган ва охири-оқибат 1943 йил 16 февралдагина Тошкентга қайтган. Ўша кун Иўлдош ота Оқунбобоевнинг дафн маросимиде ҳам қатнашган. «Опанинг айтишича, қийноқлардан оёқлари шилиб, ёрилиб кетган ва қамоқхона касалхонасида операция ҳам бўлган эканлар. Лекин шунга қарамасдан қамоқдан сўнг Каттақўргондаги (Собиқ) Крупская номили колхозга 29 йил раислик қилиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай ишладилар. Қамоқ ва совуқ ўлкалардаги қийноқ азоблари таъсирими 1966 йилга келиб опанинг икки оёқлари ишламай қолди. Оғир операцияни бошларидан ўтказиб, 6 ойдан сўнг соғайиб яна ўз ишларини давом эт-

тирдилар. 1972 йилга келиб яна операция бўлдилар. 1983 йили 16 февралда оламдан ўтдилар».

Шерали ТУРДИЕВ

ЎН ТЎҚҚИЗ ЁШЛИ ҚИЗНИНГ ҚИСМАТИ

хив КГБ при СМ УзССР, П-27706, стр.5 и обр).

Раҳима Исмолованинг қамалишига асос қилиб, Митан туманида инқилобга қарши бўлган миллатчилик ташкилотининг аъзоси сифатида совет ҳўкумати сиёсатига зид ташвиқот юргизганлиги кўрсатилди. У қамалиши биланок Митан ёшлар ташкилоти 1938 йил 6 февраль кўни шошилиқ равишда ўзининг 6-пленумини чақириб, Раҳимани «халқ душмани» сифатида қоралаб, ёшлар сифидан ўчиришга қарор қиладиде. Бу қарор уни айбловчи ҳўжатларга қўшимча далил сифатида тиркалади. У тергов жараёнида ўзига қўйилган мазкур тўхматларнинг ҳаммаси асоссиз эканлигини айтди. 1938 йил 4 февралда бўлиб ўтган тергов материалидан кўчирма:

Савол: «Сиз Митан туманида мавжуд бўлган революцияга қарши миллатчилик ташкилотининг аъзоси сифатида қамалгансиз. Сиз, қачон, қаерда ва қиллар томонидан, қандай шароитда ушбу ташкилотга ёлландингиз?»

Жавоб: «Мен ҳеч қачон миллатчилик ташкилотига аъзо бўлмаганман ва ҳеч ким мени

мулдери бўлиб келдим. Шу вақтда туман ижроия кўмитаси раиси Исмоил Тожибоев билан танишим ва иш юзасидан уйда бўлдим. У Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовлар билан ҳўрият йўлидаги курашувчилар сифатида фаҳрланадиде...

Шундан сўнг, Раҳима Исмоловани ўша кунлик Самарқанд НКВДси қамоқхонасига жўнатишади. У бу ерда 8 ойна ётиб, оғир тергов азоблари ва қийноқларни бошидан кечирадиде. Терговчилар унинг «айбларини бўйнига олдириш учун турли жисмоний ва руҳий қийноқларга соладилар. Раҳимахон «айб»ларини бўйнига олмагач, Тошкентдаги НКВД қамоқхонасига ўтказилди. Уни бу ерда янги айбнома ва қийноқлар кураётган эди. Раҳиманинг бўйнига «Самарқанд қамоқхонасидаги мабуслар орасида терговчиларга аввал берган кўргазмаларингиздан воз кечинглар, деган ташвиқот олиб борган», деган тўхматларни илмоқчи бўлишади. У эса терговчиларга — тузум жаллодларига шундай жавоб

ўташ учун 1939 йил 10 майда Горький вилояти қамоқхонасига жўнатилади (Мазкур архив, 63-64-бетлар). Бироз вақт ўтиб у ердан узоқ шимолдаги оғир меҳнат лагерларига юборилди. Бу ерда турли миллатлардан иборат маҳбуслар билан оғир меҳнат азобларини бошдан кечирадиде. Шимолнинг қаратон киши унинг соғлиғига ёмон таъсир қиладиде. У бу ҳақда СССР Олий Совети Президиуми номига такрор шикоят ёзиб, ишини қайта кўришларини, бу адолатсиз азоблардан озод қилишларини илтимос қиладиде.

1941 йил 17 майда Архангельский вилояти Котлас шаҳридаги сургун лагериде ишлаб юривчи 240699 номерли маҳбус (Раҳима Исмолова) номидан шундай ариза ёзилди: «...НКВД бошлиғи Федяев Сизни террористик ташкилотга ким ёллаган, деган саволни берди. Мен ўзимга қўйилган бундай айбга чидай олмай йиғлаб юбордим. Федяев ушбу саволга жавоб бермасанг бу ердан ҳеч қачон чиқиб кетмайсан, деди. Мен

кистон ички ишлар халқ комиссари Апресяннинг буйруғи билан қоронги, зах зиндонга (карцерга) ташлашди ва у ерда 13 кеча-кундуз азоб чекиб, 14-кўни ярим тунда қўлимга айбномани тутқазиб чиқардилар. Мен ўша вақтда одам киёфасиде эмас эдим.

1938 йил 15 октябрда Федяев менга энди суд олдида жавоб берасан, деди. Ўша кўни эрталаб соат 11 да суд комиссияси олдида киришимни айтишди. Суд комиссияси бир неча ҳарбий кишилар бўлиб, улар айбингизни бўйингизга олдиқизми, дейишди. Мен «йўқ» дедим. 5 минут танафусдан сўнг менинг ҳақимда 8 йил қамоқ сургун ва 5 йил сайлаш-сайланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ва бутун шахсий мол-мулкимни мусодара қилиш тўғрисидаги ҳўкм эълон қилинди.

Мен қамалган вақтда 19 ёшда эдим, ҳўзир 23 га кирдим. Душманлар менинг ёш ҳаётимни забун қилдилар. Кекса онам ва ёш укаларимни дарбадар қилдилар. Мен 3 йилу 4 ойдан бери эрксиз,

нинг оқланганлиги ҳақида: «...считая что при указанных выше обстоятельствах виновность Исламовой осталась не доказанной. Пленум Верховного суда СССР постановляет:

Приговор Военной коллегии Верховного суда Союза ССР от 15 декабря 1938 года по делу Исламовой Рахиме отменить» (Мазкур архив, 86 ва орқа бет) дейиладиде.

Хўш, шундан сўнг Раҳима Исмолова сургундан дарҳол қайтдики ёки йўқми? У қайси лагерларда ва қандай ишларда ишлади? Сўнги тақдир ва қисмати қандай кечди? Бу ва бошқа саволларга жавоб излаб, архив материалларини титқиласак ҳам ҳеч нарса топа олмадик. Сўнг бу масалалар билан қизқиб, ҳўзирда Самарқанд вилоят Каттақўргон шаҳрида яшаб турган унинг укаси, меҳнат фаҳрийси Нормурод Жабриев ва унинг рафиқаси билан, шунингдек, Раҳима Исмоловани яқиндан билган шу ерлик унинг замондоши, кекса педагог Иззат ака Бекмуродов ва бошқалар билан суҳбатда бўлдиқ, уларнинг

нинг оқланганлиги ҳақида: «...считая что при указанных выше обстоятельствах виновность Исламовой осталась не доказанной. Пленум Верховного суда СССР постановляет:



13 ЙИЛ



Жамоаси

**Халқаро майдонда нуфузи тобора ортиб бораётган
Ўзбекистон халқини Истиклол байрамининг —
13 ЙИЛЛИГИ
билан самимий муборакбод этади.**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан буён ўтган 13 йил мобайнида улкан иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ислохотлар амалга оширилди. Компаниямиз жамоаси Ўзбекистонда амалга ошириляётган иқтисодий ислохотларни ҳамisha қўллаб-қувватлаб келади. Япониянинг дунёга машҳур «Мицубиси Корпорейшн» компанияси билан ҳамкорликда Чиноз ва Шаҳрисабздаги «Чиноз тўқимачи ЛТД», «Оқсарой тўқимачи ЛТД» ўзбек-турк-япон инвестициялари ҳисобига бунёд қилинган, унумли технологиялар билан жиҳозланган қўшма корхоналар фаолияти ҳамда Чирчиқ шаҳрида барпо этиляётган «Бурсел Тошкент текстиль МЧЖ» бўйаш, пардозлаш ва тикув фабрикаси кенг қўламли иш жараёнимизнинг асосий мезонидир.

Биз бугун бутун Ўзбекистон халқини қутлуғ байрам билан қизғин табриқлар эканмиз, мамлакатдаги ҳар бир оилага тинчлик, фаровонлик тилаймиз, дастурхони ҳамisha тўкин бўлишини хоҳлаймиз. Ниятимиз — Мустақилликнинг шуқуҳи абадий бўлсин!






«TOSHSANARYO' LOVCHITRANS»

AKSIYADORLIK KOMPANIYASI JAMOASI

**ЎЗБЕКISTОН ХАЛҚИНИ АЗИЗУ МУКАРРАМ
БАЙРАМИМИЗ — ЮРТИМИЗ ИСТИҚЛОЛИНИНГ
13 ЙИЛЛИГИ**

ШОДИЁНАСИ БИЛАН САМИМИЙ ҚУТЛАЙДИ.

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

**Кўнгилларни эзгулик, шодлик, шукроналик ва умид
туйғулари тарқ этмасин. Бунёдкорона меҳнатимиз
юртимизга, оилаларимизга қут-барака олиб кираверсин.**

**Бу оламда бетакорор, яккаю-ягона
бўлган она юртимизга асло кўз тегмасин.**

**Оснонимиз
мусаффо,
ийлимиз
бежатар
бўлсин!**



АВИАҲАЛОКАТ САБАБЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Оммавий ахборот воситаларида хабар берилганидек, 24 август кuni Россия Федерациясининг Тула ва Ростов вилоятлари осмонда бир вақтнинг ўзida юз берган авиаҳалокат сабабларини ўрганиш давом этмоқда.

Россия Президентининг Жанубий федерал округ буйича ваколатли раиси Владимир Яковлевнинг айтишича, «Ту-154» ва «Ту-134» самолётларининг парвоздалиги пайтида ҳалокатга учрашининг сабабларини ўрганиш жараёнида кўпгина тахмин фаразлар йўналиши буйича иш олиб борилмоқда. Жумладан, террорчилик акти содир этиш мақсадида сифатсиз ёнилги қўйилган ёки учишда хатоликларга йўл қўйилган ва ёки техник носозлик туйғайли механизмлар фаолияти тўхтаган бўлиши мумкин, деган тахминлар устида ишланмоқда. Лекин бу тахминларнинг бирортаси ҳали «асосий планга» чиққани йўқ.


«Интерфакс» агентлигининг маълум қилишича, иккала самолётда парвоз этган барча йўловчи ва экипаж аъзоларининг жасадлари топилган. Ҳозир марҳумлар шахсини аниқлаш ишлари олиб борилмоқда.

«Сибир» авиакомпаниясига қарашли Москвадан Сочига парвоз этган «Ту-154» самолёти қулаган жой — Ростовдан 138 километр узоқликдаги масофада олиб борилаётган қидирув ишлари 410 гектар майдонни ўз ичига олган. Бу самолётда 38 нафар йўловчи ва 8 нафар экипаж аъзоси бор эди.

Москва-Волгоград йўналиши буйича парвоз этаётган «Волга-Авиа-экспресс» авиакомпаниясига қарашли «Ту-134» самолёти бортида эса 43 киши бўлган. Бу самолёт Тула вилоятда қулаган.

Россия Федерацияси Транспорт вазирлиги матбуот хизмати берган маълумотларга қараганда, иккала самолётнинг ҳам «қора қути»лари топилган.

Ҳукумат тасдиқлаган Халқаро авиация қўмитасининг техник комиссияси «қора қути»даги ёзувларни ўрганишга киришди. Комиссия таркибда Транспорт соҳасини назорат қилиш федерал хизмати, Ҳаво транспорти федерал агентлиги, Федерал хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, авиация санвати ва бошқа бир қанча соҳаларнинг мутахассислари бор.



13 ЙИЛЛИК Танаффусдан Сўнг

Ироқ маъмурияти 13 йиллик танаффусдан сўнг Германияда ўз элчихонасини очди.

«Новости» агентлигининг хабар беришича, Ироқнинг Германиядаги элчиси Алаа Абдул Махид Хусайн ал-Хошимий Германия Ташқи ишлар вазирлигида мамлакат Президенти Хорст Келерга ишонч ёрлигини топширди.

Эслатиб ўтамиз: сешанба кuni Багдода Германия элчихонаси очилган эди. Бу икки мамлакат ўртасидаги дипломатик алоқалар 1991 йил Форс кўрфазидан бошланган уруждан сўнг узилган эди.

АФГОНISTONДАГИ ВАЗИЯТ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Маълумки, шу йил 9 октябрь кuni Афғонистонда Президент сайлови бўлиб ўтади. Сайлов олдида БМТ Хавфсизлик Кенгашининг Афғонистондаги вазиятга бағишланган йигини бўлди. У Россия ташаббусига кўра ташкиллаштирилди.

Унда БМТга аъзо давлатлар вакиллари иштирок этди. БМТ Бош қотибининг Афғонистондаги махсус вакили Жан Арно сайловга тайёргарлик борасида ахборот берди. Мамлакатда вазият кескинлиги кўшимча чоралар кўришга ундамоқда. Шу нуқтаи назардан НАТОнинг қўшимча кучлар жўнатиш ҳақидаги қарори қўллаб-қувватланди. Бу ҳарбий кучлар мамлакатда хавфсизлигини таъминлаш, сайловни муваффақиятли ўтказиш ишларига ёрдам беради.

Ҳозир Афғонистонда 5 мингта сайлов участкаси ташкил этилган. Сайлов пайтида хавфсизликни таъминлашга 20 минг полициячи жалб қилинади. Уларнинг барчаси Америка ва Германияда махсус тайёргарликдан ўтган. Бундан ташқари антитеррор коалициянинг 18 минг, НАТОнинг 7300 ҳарбийси ҳам бор. Улар тарки-

би Испания ва Италиядан келадиган батальонлар билан тўлдирилади.

«Новости» агентлиги берган хабарларга қараганда, президентлик учун 18 номзод кураш олиб боради.

Шу кўнғача 10,5 миллион сайловчи рўйхатдан ўтказилган. Бу мамлакат аҳолисининг учдан бирини ташкил этади. Рўйхатга олинганларнинг 41 фоизи аёллардир. Афғонистондаги вазият ва шароит тақозосига кўра, бу кўрсаткич катта ютуқдир.

Шуниси ачинарлики, кўпгина сайлов участкаларига экстремистлар ва бошқа жангарилар томонидан ҳужумлар уюштирилмоқда. БМТ ходимларидан 12 нафари улар таъжовузи натижасида ҳаётдан кўз юмди, 30 дан ортиғи эса турли даражада тан жароҳати олди.

Мамлакатнинг айрим ҳудудларида, айниқса, жанубий манзилларда хавфсизлик чоралари кўрилмаганлиги боис сайловда овоз бериш истағида бўлганлар рўйхатдан ўтишга имконият тополмаптилар.



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҚУВА ТУМАНИ


М.РАҲМАТОВ

НОМИДАГИ ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИ

**аъзолари ҳамда меҳнат фахрийлари барча
ватандошларни энг улуғ, энг азиз байрам —**


МУСТАҚИЛЛИК КУНИ

билан чин дилдан муборакбод этади!



**Мустақил юртнинг
гуллаб-яшнаши, ривожланиши
йўлидаги савий-ҳаракатларингиз
самарали бўлаверсин!
Ҳар бирингизга соғлик-
саломатлик, оилангизга тинчлик-
тотувлик, хирмонингизга эса
қут-барака тилаймиз!**






UZ-DAEWOO
UZ-DAEWOO AUTO CO.




Азиз юртдошлар!




«ЎЗДЭУавто» компанияси бутун Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан самимий табриклайди. Ана шу умум-халқ байрами арафасида барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, бунёдкорлик меҳнатида муваффақиятлар, оилада эсон-омонлик ва қут-барака, Ватанимиз тинчлиги, барқарорлиги ва гуллаб-яшнаши йўлидаги барча ишларида янги зафарлар тилаймиз.

«ЎЗДЭУавто» ишлаб чиқаришига мансуб автомобилларнинг ҳозирги ва бўлгуси соҳибларига омадли сафарлар, равон йўллар, ҳаётнинг барча чорраҳаларида яшил чироқ ёр бўлсин. Компания ўз автомобилларининг сизга ишончли хизмат қилиши ва ҳар бир ўзбекистонликка халқ маркаси бўлиши учун барча куч-ғайратини сарфлайди.




**Ҳар биримизнинг барча
эзгу орзу-умидларимиз
рўёбга чиқсин.
Ватанимиз мустақиллиги
абдий бўлсин!**



Спорт

ОРЗИҚИБ КУТИЛГАН ҒАЛАБА!



(Давомий. Боша 1-бетда.)

— Раҳмат, — дедилар Рустам ака. — Бу нафақат Доктор (мураббий ва ўртоқлари Александрни эркалаб шундай дейишди) — муаллиф. Унинг, балки бутун Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг ғалабаси! Барчамиз Афина олимпиадасида ундан олтин медаль кутгандик. Дуктуришвили ишончимизни оқлади. Мустақил Ўзбекистон спорти тарихида биринчи бўлиб, у Ватанимизга

юнон-рум кураши бўйича Олимпия чемпиони унвони билан қайтадиган бўлди. Александрнинг бу ютуғи Мустақиллигимизнинг 13 йиллик тўйига ажойиб совға бўлди. Олимпия ўйинларида Александр Дуктуришвили бошлаб берган муваффақиятни спортчиларимиз бокс, эркин кураш ва тазквондо (WTF) турлари бўйича ҳам давом эттиришга астойдил бел боғлашган. Кеча кечкурун боксчимиз Баҳодиржон Султонов ярим финалда

Сидней олимпиадаси олтин медали соҳиби кубалик Гилермо Ортиз Ригондога 13:27 ҳисобида ютқазиб, бронза медали билан қифолянди. Жаҳон чемпиони Уткирбек Хайдаров эса америкалик Андрэ Уорд билан куч синашди.

Шунингдек, эркин курашчиларимиз Дилшод Мансуров (55 кг.), Артур Таймазов (120 кг.) саралаш баҳсларида қатнашдилар. Республика Олимпия штабидан олинган хабарга кўра, умидли спортчимиз Д.Мансуров биринчи беллашувда ғалаба қозониб, иккинчисида мағлубиятга учради. Сидней олимпиадаси совриндори Артур Таймазов чорак финалда россиялик Курамагамедовни енгиб, ярим финалга йўлланма олди.

Эркин ХОЛБОБО



ҚУВОНЧ ҚЎШИҒИ


Мангулик баҳордай чарақларсан ёш, Қанча асрларни бир-бир қаритиб. Шайнингга шарқийлар битмоқда кўёш, Фарзандлар дилидан ғамни аритиб.

Зафар қўшиғидан бошқаси унут, Олга, Ўзбекистон, олга, она юрт!

Олтин Олимпия чўққиларидан, Келар ғалабанинг хуш дарақлари. Исмизни соғинар осмон қаъридан, Янги минг йилликнинг зарварақлари.

Зафар қўшиғидан бошқаси унут, Олга, Ўзбекистон, олга, она юрт!

Акиф АЗАЛП



Анвар ИЛЁСОВ («Жаҳон» АА) олган суратлар.

«МУЛОҚОТ»НИНГ ЯНГИ СОНИ

Ошкора мулоқотга, дилдан сўхбатга чорловчи «Мулоқот» журнали мустақиллигимиз билан тенгдош. Истиқлол тонгида дунёга келган «Мулоқот»нинг мустақиллигимиз байрами арафасида бу йилги 5-сонини нашрдан чиқди.

Журналнинг ушбу сони академик Мурод Шарифхўжаевнинг «Янги ислохотлар тақомили» мақоласи билан очилади. Мақолада истиқлолнинг ўн уч йилликдаги ташқи ва ички сиёсатдаги ютуқлар таҳлил этилади. Муаллиф Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Тошкент саммитининг халқаро миқёсдаги ўрнига кенг тўхталди. Республикаимизнинг халқаро стратегик шерикчилиги ҳар бир давлат билан ўзаро муносабатларда тенглик, дўстлик ва ўзаро ҳурматга асосланганлиги атрофлича таҳлил

қилинади, ҳозирги кунда профессионал парламентаризм учун олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишлар баён этилади.

Профессор Кўчқор Хоназаров «Мустақиллик ва дипломатия фалсафаси» мақоласида ўзбек дипломатиясининг фалсафий асосларига тўхталди. Бу йўналишда хизмат қилувчи ёшларнинг нималарга асосий эътиборни қаратиши лозимлиги уқтирилади. Файласуфлар Ортик Вафоев «Миллий мафкура ва тараққиёт» ва Аҳмаджон Эшонқулловлар «Фикрлаш — маъжудлик аломати» номли мақолаларида ёритилаётган масалага ўзларига хос ёндашдилар.


Журнал ўз аънасосига содиқ қолган ҳолда «Нафис мажлислар» туркумидаги янги сўхбатни муштарийлар эътиборига ҳавола қилган. Давра сўхбати-

нинг бу галги иштирокчилари академик Ботир Валихўжаев, профессорлар Зокиржон Қўтибоев ва Ориф Усмоновлар бу йил республикамизда таваллудининг 600 йиллиги кенг нишонланаётган Хожа Аҳрор Валийнинг ибратли ҳаёти ва ижтимоий фаолиятига кенг тўхталганлар.

Файласуф Гулнора Носирхўжаеванинг «Фаробий ва фалсафа тарихи», Шоҳиста Улжаеванинг соҳибқирон Амир Темури ҳақидаги, Баҳром Умаровнинг «Ҳадидларнинг Алишер Навоийга муносабати», профессор Гулчехра Наврўзованинг Нақшбандия таълимотининг «Назар бор қадам» ҳикматли шиори ҳақидаги, руҳшунсо Маҳмуд Йўлдошевнинг «Рухий уйғонш азоби» мақолалари ўзининг мушоҳадага бойлиги билан ажралиб туради. Тарихчи Рашид Бойтуллаев «Аждодлар меросини ўрганиб» мақоласида халқимиз тарихининг ўқилмаган саҳифалари, сояда қолган томонлари ҳақида ўзгача бир ёндашув билан сўз юртади.

Ушбу сондан ҳазрат Алишер Навоийнинг «Арбайин» асарининг якуний қисми, шоир Нормурод Нарзуллаевнинг янги шеърлари ўрин олган.

Нормўмин ОЧИЛОВ



РАҲМАТ ОЛГАН ӨМОНДИР, ЛАЪНАТ ОЛГАН ӨМОНДИР

Буни тасдиқловчи ва қувватловчи «Раҳматнинг ҳам чеки йўқ, лаънатнинг ҳам чеки йўқ». Бир раҳмат минг заҳматдан қутқазди» деган мақоллар ҳам борки, улар билан: «Кишиларга яхшилик қилиб, ўзининг хуштабапти, ёқимли фел-атвори, ширин-сухани, умуман, яхши ахлоқ-одоби билан улардан раҳмат эшитган, уларнинг миннатдорчилигига, иззат-эҳтиромига сазовор бўлган киши эл-юрт ўртасида обрў-эътибор қозонади, доимо унинг номи яхшилик билан тилга олинади. Бунинг аксича, бад-фелъ, кўпол, кўрс, чақимчи, тўхматчи, сотқин, бербурд, беҳаё, бевафо ва ҳ.к., кишиларга ёмонлик соғинувчи ва ёмонлик қилувчи одам-уларнинг лаънатига қолади, ҳақорат эшитида, ҳаммавақт (ҳатто ўлганидан кейин ҳам) номи ёмонлик билан тилга олинади», дейилмоқчи.

РЕЖАСИЗ ИШ — ҚОЛИПСИЗ ГИШ(Т)

«Режасиз дарахтзор — чангалзор», «Режали иш — хамиша беш», «Қолипсиз гиш(т) битмас, режасиз иш битмас». Булар билан: «Ҳар бир ишни олдиндан пухта ўйланган режа асосида қилмоқ зарур, акс ҳолда у иш кўнгилдагидек бўлиб чиқмайди, «хом», сифатсиз, муваффақиятсиз, чидамсиз бўлади, кўп ҳолларда бузиб, қайтадан қилишга тўғри келади», дейилмоқчи.

2004 йил — Меҳр ва мурувват йили

«ШУ КУНЛАРГА ШУҚР ҚИЛАМАН...»

Одатдагидай иш кунни, телефон кўнғироғи чалинди. «Алло, бу «Ўзбекистон овози»ми? Мен Жабборхўжа Файзихўжаевман, Юнусобод туманидаги «Турон» маҳалласи, Қодир Маҳсумов кўчаси, 3-уйда яшайман, ёшим бир жойга бориб қолган, сизларга айтадиган гапим бор. Эл эшитсин, дейманда, илтимосим, бир келиб кетсангиз».

Негадир кўпроқ ўқувчиларимиз биздан ёрдам сўраб мурожаат қилишларига ўрганиб қолганимиз шекилли, отахоннинг таклифини шу мазмунда қабул қилдим.

Отахоннинг уйига йўл олдим. Шундоққина «Олой» бозорининг биқинида жойлашган, кўркамгина «Турон» маҳалласининг катта кўча бошида отахон кутиб турган эканлар.

— Саломатликларингиз қандай? — дейман сал ҳадикка тушиб, «шиқоятлари» дўхтирларданмикан, «касалхонада эдим», деганди шекилли», ичимда ўйлайман.

— Қизим, биз қарияларнинг соғлиги... ўз қўлида, раҳматли отам: «Сен ўзингни ўзинг асра, жонингни шунда худо асрайди» дегуви эди. Жисмоний меҳнатни кўп қилганман, дўхтир билан бирга 38 йил деҳқончилик ҳам қилдим. Асли Қашқадарода туғилганман, аммо белагим Ташкент туманидаги Ҳасанбой қишлоғида ўтди. Икки нафар фарзандим бор, ўзларидан тинишган. Боя айтдим-ку, одам аввало, ўзининг қадрига етсин, кейин ўзганинг қадрига етади. Барибир, қаринчилик-да, бошимиз ёстиқча етди, шундай кезлари Яратганга бе-

адад шуқурлар қиламан, оқибатли одамлар доим жонимга оро кирадилар. Республика кардиология маркази шифокорлари соғлигимга малҳам бўлишди, туман соғлиқни сақлаш бўлимидан йўлланма беришди, бепул дори-дармон билан таъминлашди. Марказ шифокор, ҳамширалари ширин сўз, одобли муомаласи билан ҳам беморнинг кўнглини тоғдай кўтаришди.

Яқинда оғир аҳволда яна марказ шифохонасига тушдим, юрак хуруж қилиб қолди. Кўзимни очиб бошимда ўтирган оқ халатли йигитни кўрдим, қанча ухладим билмайман, уйғонсам яна ўша йигит. Билсам оти Набижон экан, эртаю кеч бошимда бўлди. Даволовчи врачим Набижон Йўлдошевни дуо қиламан.

1-кардиология бўлимидаги дўхтирлар Равшан Шукуров, катта ҳамшира Наргиза Исломова, доцент Лариса Суриевалардан беҳад миннатдорман.

Оқибатли одамлар орасида яшаганимга, шу кунларни кўрганамга шуқр, ҳаммамизга насиб бу кунлар. Шуни айтмоқчийдим, айтдим, мана, қаранг, енгил тордим, дейди отахон бошини сарак-сарак қилиб.

Отанинг уйдан ўзимнинг ҳам руҳим тетиклашиб қайтдим. Негадир шу тобда дастлаб нуруний қарияни «шиқоятчи» деб ўйлаганимдан афсусланиб кетдим. Зеро, меҳр-мурувват қуршо-вида умргузаронлик қилаётган ёши улгуларимизнинг дуолари ижобат бўлади.

Саида САЙХУН «Ўзбекистон овози» мухбири

АНЪАНАВИЙ ТАДБИР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 13 йиллиги тантаналари олдинда «Ўзэкспомарказ»нинг 1-павилионида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» аънавий кўргазмали ярмарка давом этмоқда.

Ҳар йили Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги уюштириб келаётган маъруз тадбирда одатдагидек бу гал ҳам республикамизнинг экспорт ва инвестиция салоҳияти кенг намойиш этилмоқда. Айниқса, жаҳоннинг энг нуфузли мустақил социал тадқиқот марказлари томонидан «Ўзбекистон пешқадам» деб тан олинаётган сўнгги йилларда иқтисодийётимизда рўй бераётган янгиланиш, ўзгариш ва юксалишлар кўргазмада иштирок этаётган 200 дан ортқ корхона, фирма ҳамда компаниялар маҳсулотлари кўргазмасида яққол ифода топган.

Уч микр квадрат метр саҳли майдонни эгаллаган кўргазма (бунинг 500 квадрат метри очик майдон)да машинасозлик, енгил, озиқ-овқат ва фармацевтика каби муҳим саноат тармоқлари ишлаб чиқараётган халқаро андозаларга мос, рақобатбардор маҳсулотлар намойиш этилапти.

Ярмарка 2 сентябргача давом этади. Амалия СОЛИЕВА

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузурдаги «РОУТАХТ АУКСИОН» давлат унитар корхонаси 2004 йилнинг 28 сентябрь, 5, 8, 12, 15, 19, 22, 26, 29 октябрь ҳамда 2, 5, 9, 12, 16, 19, 23, 26, 30 ноябрь кунлари аукцион ва танлов савдоларини ўтказида.

Танлов савдоларга Тошкент шаҳар Ҳамза тумани халқ таълими бўлимига қарашли, Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, М.Хасанова кўчаси, 11-уйда жойлашган 101-сонли болалар боғчаси бино ва иншоотлари (2 қаватли бинодан иборат «Б» блок, 8 та айвон, 1 қаватли оғирхона биноларидан иборат «Е», «З», «К», «М» блоклари) қўйилади. Бошланғич нархи — 22 318 595 сўм ёки 22 319 АҚШ доллари.

ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

- 1. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларни тарбиялаш ва ўқитишни ривожлантиришга йўналтирилган муассаса ташкил этиш.
2. Белгиланган фаолият соҳасини камидан 5 йил мобайнида сақлаб қолиш.
3. Боғча биноси ва иншоотларини қисқа муддатларда замонавий меъёр ва андозаларга жавоб берадиган ҳолда қайта қуриш ва таъмирлаш.
4. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасини замонавий талаблар асосида жиҳозлаш.
5. Боғча биноси ва иншоотларини қайта таъмирлаш ва жиҳозлашга сарфланадиган сармоялар ҳажми.
6. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва меъёрий ҳужжатларига асосан болалар билан ишлаш таълим-тарбиявий концепциясига эга бўлиш.
7. Мактабгача ёшидаги болаларга қўрсатиладиган хизматлар тури ва ҳажми.
8. Хизмат ҳақлари бўйича тақлифлар ва имтиёзлар.
9. Қайта ташкил этилган мактабгача болалар муассасасининг ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига жавоб берадиган ҳолда сақлаш ҳамда унга бириктирилган ҳудудда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.
10. Сотиб олиш нархи ва тўлов муддатлари бўйича тақлифлар.
Танлов савдосида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади. Талабдорлар ариза ва тўлов қорғозига қўшимча тарзда конвертта муҳрланган танлов шартлари бўйича ўз тақлифларини (бизнес-режа) тақдим қилдилар.

Шунингдек, аукцион савдоларига Тошкент шаҳар, Қора-Қамиш 2/1, Зиймов кўчаси, 5-уйда жойлашган республика Уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатининг:
— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10АЖ 261 бўлган «ВА3-2106» русумли автотранспорт воситаси 732 687 сўм бошланғич нарх билан;
— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10 АЖ 174 бўлган «РАФ-2203802» русумли автотранспорт воситаси 949 270 сўм бошланғич нарх билан қўйилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади. Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабдорлар объектнинг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдоридagi закатат пулларини «РОУТАХТ АУКСИОН» ДУК «Уйбойкамгармбазанинг» Тошкент шаҳар бўлимидаги, банк коди 00425, СТИР 20439967, 202 10000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Савдо Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади. Телефонлар: 133-02-49, 133-23-40.

Table with contact information for various organizations and individuals, including Bosh Muharrir, Safar Ostonov, Tahrir Hay'ati, and others.